Ўртача қийматларнинг ўзаро фарқини аниқлашда Стьюдент (t) мезони асосида ҳисоб-китоблар олиб борилди. Шунингдек, тақсимотнинг нормаллигини текшириш учун эксцесс мезонидан фойдаланилди, дисперсияларнинг тенглигини баҳолашда эса Фишер (F) мезони қўлланилди. Ҳар қандай статистик хулосаларни ишончли қилиш мақсадида $P < 0,05$ ишонч даражаси асос қилиб олинди.

Ушбу усул маълумотларнинг таҳлил жараёнида тўлиқ ишончли ва илмий жиҳатдан асосланган натижаларни таъминлаб, тадқиқотнинг юқори даражадаги аниқликка эришишини кафолатлади.

Шунингдек, статистик тафовутларни аниқлаш учун Стьюдент-Фишер жадвали қўлланилди. Турли кўрсаткичлар ўртасидаги боғланиш даражаси корреляция коэффиценти орқали таҳлил қилинди ва изчил баҳоланди. Ҳосил қилинган натижаларнинг нисбий даражаларини қиёсий таҳлил қилиш мақсадида X^2 (хи-квадрат) мезони ишлатилди. Нисбий маълумотлар фоиз кўринишида ифодаланиб, $P < 0,05$ даражасидаги тафовут ишончли ҳисобланди. Тадқиқот жараёнининг ушбу илмий ёндашувлари асосида натижалар ҳолис ва чуқур таҳлил қилинди.

III-БОБ. БОЛАЛАРДА СУРУНКАЛИ ВИРУСЛИ ГЕПАТИТ В ФОНИДА РИВОЖЛАНГАН ЎТКИР ЎРТА ОТИТНИНГ КЛИНИК ЛАБОРАТОР ХУСУСИЯТЛАРИ

Сурункали вирусли гепатит В фонида ривожланган ўткир ўрта отит билан касалланган бемор болаларда касалликнинг клиник кечиш таҳлиллари

Ўтказилган илмий тадқиқотларга жалб қилинган 114 нафар бемор болалар 3 ёшдан 18 ёшгачани ташкил этиб, улар 2 гуруҳга бўлинди асосий гуруҳни СВГ В фонида ўткир ўрта отит билан оғриган бемор болалар 70 нафарни ва қиёсий гуруҳда 44 нафар ўткир ўрта отит билан оғриган бемор болалари ташкил этди.

Тадқиқотда иштирок этган барча болалар, ёшидан қатъий назар, ўткир ўрта отитнинг катарал ва ноғора олди перфорациясини даволаш учун антибактериал, яллиғланишга қарши ва инфузион даволаш, шунингдек, маҳаллий дори воситалар билан даволандилар. Антибактериал воситалардан бактокс, хиконцил, амокциклав қўлланилди. Яллиғланишга қарши ва маҳаллий воситалар сифатида комплекс кулоқ томчилари, аурисан, отизол ва борат кислотасидан фойдаланилди. Ўткир иккиламчи йирингли отитни даволаш учун диоксидин, гидрокортизон ва нафтизин буюрилди. Бундан ташқари, ташқи эшитув йўлини мунтазам даволаш, шунингдек, дори воситаларини ўрта кулоққа транстимпанал юбориш амалга оширилди.

СВГВ фонида ривожланган ўрта кулоқдаги аниқ яллиғланиш жараёни бўлганда, ҳамда ноғора пардада қизариш, шиш жараёни кучли ривожланган бўлса, оғриқ ва организмда кучли интоксикация ривожланганида тимпанопункция ва парасентез манипуляцияси амалга оширилди. Кўрсатмага асосан, лимфатроп терапия (0,5 мл 30% линкомицина 0,5% новокаин билан аралаштирилиб сўрғичсимон соҳага) ўтказилди.

Олд риноскопия пайтида бурун бўшлиғи шиллиқ қаватининг ҳолатига, бурун тўсиғига эгрилик мавжудлигига, бурун тўсиғи соҳасига дўнглик ва шип мавжудлигига, полипларга, қасноқларга, эркин йирингли ажралмага, шунингдек бурун чиғаноқларининг ҳолати ва ҳажмига эътибор қаратилди.

Ўрта ва юқори бурун йўлларида йирингли ажралмага алоҳида эътибор берилди. Орқа риноскопия пайтида биз ҳалқум безларнинг ҳолати, бурун чиғаноқларининг орқа учлари, полипларнинг мавжудлиги, шиллиқ ва йирингли ажралмага ҳамда хоаналарнинг ўтказувчанлигига эътибор қаратилди.


Ўткир юқумли нафас йўллари хасталиги билан оғриган беморлар ўтказилган тадқиқотда икки асосий гуруҳга ажратилди: қиёсий гуруҳ (44 киши) ва асосидаги гуруҳ (70 киши). Қиёсий гуруҳидаги беморларга мавжуд стандарт даволаш усуллари ва мажмуавий анъанавий терапия қўлланилган бўлса, тажриба асосидаги асосий гуруҳга бундан фарқли равишда иммун тизимини мувофиқлаштирувчи "Иммун-5" препарати ҳам киритилди.

Асосий гуруҳда "Иммун-5" қуйидаги схемада татбиқ этилди: барча беморларга кунлик 7 мг дозадаги капсула шаклидаги дори воситаси нонуштадан олдин қабул қилиш тавсия этилди. Қабул қилиш 10 кун мобайнида давом этиб, ҳар ойда такрорланди ва жами 3 ойлик даво муолажалари ўтказилди. Дорини қабул қилиш жадвали беморларнинг шахсий шароитларига мослаштирилиб, ойлик даво кунлари аниқ сақланишга ҳаракат қилинди. Муҳими, бу дори воситасини қўллаш жараёнида ҳеч қандай ножўя ёки салбий таъсирлар кузатилмади.

Микроблар агентини йўқ қилиш мақсадида биз антибиотикларга сезгирли антисептиклар билан ташқи эшитув йўлини ювдик. Антибиотикларни бурун ёндош бўшлиқларига эпителийнинг цилиар фаоллигига ножўя таъсир қилмайдиган концентрацияни ҳисобга олган ҳолда ишлатилди. Шу билан бирга, антибиотиклар 7-10 кун давомида энтерал ва парентерал қўлланилди.

Сурункали вирусли гепатит В фонида ривожланган ўткир ўрта отитнинг клиникаси бошланганидан бошлаб беморларни касалхонага ётқизиш вақти касалликни даволаш самарадорлигини баҳолашда муҳим аҳамиятга эга. Касалликнинг бошланишига қараб, СВГВ фонида ривожланган ЎЎО билан оғриган беморларни касалхонага қабул қилиш вақтини таҳлил қилганда, касал

болаларнинг 79,8% ЎЎО клиникаси бошлангандан 3 кунгача касалхонага ётқизилганлиги, қолган 20,2% ҳолатлар 3 кундан кейин ётқизилганлигини таъкидлаш лозим (расм. 3.1). Шунини таъкидлаш керакки, беморлар ушбу белгини ҳисобга олган ҳолда ёш гуруҳлари бўйича нисбатан тенг тақсимланган



3.2. расм .СВГВ фонида ривожланган ЎЎО билан оғриган бемор болаларни касалхонага касалликнинг бошланишига қараб қабул қилиш вақти

СВГВ фонида ривожланган ЎЎО билан оғриган бемор болаларда ўткир отитнинг бирламчи клиник белгиларининг пайдо бўлиш вақтини таҳлил қилганда 17 (13.1%) ҳолларда ўрта қулоқнинг яллиғланиш белгиларининг зўрайиши стационарга ётқизилгандан кейин 3 кунгача, 74 (64.9%) ҳолларда ўрта қулоқнинг яллиғланиш белгиларининг зўрайиши стационарга ётқизилгандан кейин 3 - 7 кунларда аниқланди, 23 нафар болаларда эса (20,2%) ўрта қулоқнинг яллиғланиш белгиларининг зўрайиши стационарга ётқизилгандан кейин 7-10 кунларда аниқланди.

Ёш кичик гуруҳлари бўйича Асосий гуруҳ беморларида ЎЎО нинг бирламчи клиник белгиларининг пайдо бўлиш вақтини таҳлил қилиш шунини

кўрсатдики, 1-к/гуруҳда беморларда 3 кунгача ЎЎОнинг зўрайиши 6 (28.6%)ни, 3-7 кунгача 11 (52.4%)ни, 7-10 кунгача 4 (19%) ни ташкил этган бўлса, 2 к/гуруҳ бемор болаларда 3 кунгача 3 (8.3%) ни, 3-7 кунгача 25 (69.4%) ни, 7-10 кунгача 8 (22.3%) ни, 3 к/гуруҳ бемор болаларда 3 кунгача 1 (7.7%)ни, 3-7 кунгача 9 (69.2%) ни, 7-10 кунгача 3 (23.1%)ни ташкил этди. Бемор болаларда касалл зўрайиши 3-7 кунларда учраш частотаси 2 баробарга қолган кунларга нисбатан ахамиятли даражада юқори бўлиши билан ифодаланди ($p<0.01$).

Ёш кичик гуруҳлари бўйича қиёсий гуруҳ беморларида ЎЎО нинг бирламчи клиник белгиларининг пайдо бўлиш вақтини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, 1-к/гуруҳда беморларда 3 кунгача ЎЎОнинг зўрайиши 4 (33.4%)ни, 3-7 кунгача 6 (50%)ни, 7-10 кунгача 2 (16.6%) ни ташкил этган бўлса, 2 к/гуруҳ бемор болаларда 3 кунгача (8.7%) ни, 3-7 кунгача 17 (73.9%) ни, 7-10 кунгача 4 (17.4%) ни, 3 к/гуруҳ бемор болаларда 3 кунгача 1 (11.1%)ни, 3-7 кунгача 6 (66.7%) ни, 7-10 кунгача 2 (22.2%)ни ташкил этди. Бемор болаларда касалл зўрайиши 3-7 кунларда учраш частотаси 2 баробарга қолган кунларга нисбатан ахамиятли даражада юқори бўлиши билан ифодаланди (жадвал 3.2), ($p<0.01$).

Жадвал 3.2

СВГВ фонида ривожланган ЎЎО клиник белгиларининг зўрайиш вақти

Гуруҳлар			3 кунгача	3-7 кун	7 кун ёки ундан кўп
Асосий гуруҳ (n=70)	1 к/гуруҳ n=21	абс	6*	11**	4**
		%	28.6	52.4	19
	2 к/гуруҳ, n=36	абс	3	25*	8**
		%	8.3	69.4	22.3
	3 к/гуруҳ n=13	абс	1	9*	3
		%	7.7	69.2	23.1

Қиёсий гурух (n=44)	1 к/гурух n=12	абс	4	6	2
		%	33.4	50	16.6
	2 к/гурух, n=23	абс	2	17	4
		%	8.7	73.9	17.4
	3 к/гурух n=9	абс	1	6	2
		%	11.1	66.7	22.2
Изох:	<i>*p<0.05, **p<0.01 қиёсий гурухга нисбатан.</i>				

3 кундан 7 кунгача бўлган даврда ўрта кулоқ яллиғланиши белгиларининг пайдо бўлиши энг кўп асосий гурух бемор болаларда қиёсий гурухга нисбатан 2 ва 3 ёш кичик гурухларида қайд этилган бўлиб, улар мос равишда 69.4% ва 69.2% ни ташкил қилган.

Ўрта кулоқнинг ўткир яллиғланишининг бирламчи клиник белгиларининг пайдо бўлиши биринчи ёш кичик гуруҳида, безовталиқ, кулоқда оғриқ, кулоқдан йиринг оқиши кўринишида намоён бўлди. 2 ва 3-кичик гурухларда ўрта кулоқ ўткир яллиғланишининг клиник белгилари 3-кундан кейин пайдо бўлган.

Овқатланиш бола организмнинг ривожланишига ва эрта ёшдаги болаларда иммун тизимининг шаклланишига сезиларли таъсир кўрсатди. СВГВ фонида ривожланган ўткир ўрта отит (ЎЎО) билан оғриган бемор болаларнинг овқатланиши ўрганилганда, 31 нафар (27,2%) болаларда табиий, 35 нафар (30,7%) болаларда сунъий ва 48 нафар (42,1%) болаларда аралаш овқатлантириш аниқланган (жадвал 3.3).

Жадвал 3.3

Озиқлантириш турига қараб СВГВ фонида ривожланган ЎЎОли бемор болаларнинг тақсимланиши

Озиқлантириш тури	Текширилган гурух	
	абс	%
Табиий	31	27,2

Сунъий	35	30,7
Аралаш	48	42,1
Жами:	114	100,0

Тадқиқотда СБГВ фонида ривожланган ЎЎО билан касалланган асосий гуруҳ 70 нафар бемор болаларнинг 22 (31,4%) ва қиёсий гуруҳ бемор болаларнинг 7 (15,9%) нафарида кўрсатма асосида тимпанопункция ўтказилди. Тимпанопункция қилинган 22 нафар боладан 13 (59,1%) нафар боладан тимпанопункция пайтида йирингли пунктат олинган, 7 (31,8%) нафар боладан экссудат олинган ва 2 (9,1%) нафар болада мирингит ҳолати аниқланган (3.4-жадвал). Тимпанопункциядан кейин юқоридаги бемор болаларга тегишли терапия ўтказилган.

Жадвал 3.4

СБГВ фонида ривожланган ЎЎО билан оғриган бемор болаларда тимпанопункциялар сони

Пункт характерлари	Асосий гуруҳ		Қиёсий гуруҳ	
	мут	%	мут	%
Йирингли	13	59,1	4	57.1
Экссудат	7	31,8	2	28.6
мирингит	2	9,1	1	14.3
Жами:	22	100,0	7	100

СБГВ фонида ривожланган ЎЎО билан оғриган 63 нафар бемор болаларда қулоқдан йирингли ажралмадан микробиологик тадқиқотлар ўтказилди. Микрофлоранинг хусусиятлари 3.5-жадвалда келтирилган.

Жадвал 3.5

СБГВ фонида ривожланган ЎЎО билан касалланган бемор болаларда йирингли ажралма микрофлорасининг табиати

Микроорганизмлар	Асосий гуруҳ, n=35	Қиёсий гуруҳ, n=28
------------------	--------------------	--------------------

	абс	%	абс	%
Staph. aureus	18	51,4±1.5	14	50,0±1.8
Esherihi coli	5	14,3±0.4*	3	10,7±0.4
Citrobacterium	4	11,4±0.3	3	10,7±0.4
Klebsiella	1	2,9±0.08**	0	0
Psevdomonas aeruginosa	4	11,4±0.3*	2	7,1±0.2
Дрожжевые грибки	1	2,9±0.08***	3	10,7±0.4
Staph. epidermidis	0	0	1	3,6±0.1
Микроблар аниқланмади	2	5,7±0.1*	2	7,1±0.2
<i>Изох:</i>	<i>*p<0.05, **p<0.01, ***p<0.001 қиёсий гуруҳга нисбатан.</i>			

Микробиологик тадқиқотлар натижаларига кўра 32 (50,8%) беморда патологик жараён кўзгатувчиси Staphylococcus aureus эканлиги аниқланди. 7 (11,1%) ҳолатда Citrobacterium ва 8 (12,7%) ҳолатда Escherichia coli аниқланди. 6 (9,5%) ҳолатда ўткир ўрта отитга Pseudomonas aeruginosa сабаб бўлган. Бактериологик текширувларнинг салбий натижалари 4 (6,3%) ҳолатда қайд этилган, бу амбулатор шароитда антибиотикларни олдиндан қўллаш, анаЭроб флоранинг мавжудлиги ёки инфекциянинг вирусли табиати билан боғлиқ бўлиши мумкин. Staphylococcus aureus 18 (51,4%) ҳолатда аниқланган асосий гуруҳда ҳам, 14 (50,0%) ҳолатда қиёсий гуруҳида ҳам устунлик қилди. Citrobacterium асосий гуруҳдаги 4 (11,4%) беморда ва қиёсий гуруҳидаги 3 (10,5%) беморда қайд этилган (3.3-расм).

Асосий гуруҳдаги 5 (7.1%) нафар беморда ва қиёсий гуруҳидаги 3 (6.8%) нафар беморларда ўрта қулоқдаги патологик жараённинг кўзгатувчиси Esherihi coli бўлган, қолган аниқланган микроорганизмлар гуруҳларда фоизда бироз фарқ қилади.

Тадқиқотдаги барча беморлар, ёши ва зарарланиш даражасидан қатъий назар, антибактериал, яллиғланишга қарши, инфузион, маҳаллий ва умумий

тонусни оширувчи терапияни ўз ичига олган комплекс даво муолажаларини олдилар.

СВГВ фонида ривожланган ўткир ўрта отитни (ЎЎО) маҳаллий даволашда ҳар куни ташқи эшитув йўлига маҳаллий қўлланилди. Дори воситалар транстимпанал юборилди, шунингдек, махсус тампонлар қўлланилди. Қўлланилган дори воситалари отитнинг шаклига боғлиқ бўлиб, катарал отитда: комплекс кулоқ томчилари, Аурисан, Отизол, борат кислота, йирингли отитда: Диоксидин, Гидрокортизон ва Нафтизинни ўз ичига олган комплекс аралашмалардан фойдаланилди.

Жарроҳлик амалиёти (антротомия) 5 нафар болада ўтказилди. Бу СВГВ фонида ривожланган ўткир йирингли отитнинг асорати субпериостеал хўппозларнинг ривожланганлиги сабабли эди. Операция барча беморларда умумий оғриқсизлантириш остида амалга оширилди. Операция давомида антрал бўшлиққа грануляциялар, 2 нафар болада – антрал бўшлиқ ғор деворларига кариер жараёни аниқланди.

Мисол учун қуйидаги кузатув олиб борилди: Бемор С.М., 3 ёш, К.Т. №1148-257. Бемор бола 2021 йил 15 майдан онасининг сўзидан тез чарчаш, дармонсизлик, иштаҳанинг пастлиги, таъм билишининг пасайиши, кўнгил айланиши, қусиш, оғизда аччиқлик там борлиги, эпигастрал соҳа ва ўнг қовурға ёйи остида оғирлик ҳисси ва оғриқ, бош оғриши, уйқунинг бузилиши, тана ҳароратининг кўтарилиши ва чап қулогидан йирингли ажралма оқиши шикоятлари билан вилоят болалар клиник шифохонаси ЛОР-касалликлари бўлимига ётқизилган.

Таъхис: Чап томонлама ўткир йирингли отит. Ногора парданинг тешилгунгача бўлган босқичи. Отоантрит.

Ўўлдош касаллиги: СВГВ ўрта оғир даражаси. Анемия-2 даража.

Анамнезидан 10 кундан давомида касал бўлиб, тана ҳароратининг кўтарилиши, чап кулоқ соҳасида оғриқ, кулоқ орқасида шиш, иштаҳасизлик, қусиш ва тутқаноқ белгилари пайдо бўлган.

Бемор бола стационарга тушганида умумий аҳволи ўртача оғирликда. Эс-хуши аниқ. Тери ранглари оқимтир. Шиллик қаватлар оқимтир. Ўпкасида везикуляр нафас. Юрак тонлари бўғиқ. Пулси 90та бир дақиқада. Талок катталашмаган. Жигар катталашган. Қовурға ёйидан пастга тушган. Стул ва диурез меъёрий.

Отоскопияда: ташқи эшитув йўли кенг. Ноғора парда қизариб шишган, бўртиб турибди. Билиш белгилари кўринмайди. Чап томонлама антрал соҳада шиш бор. Палпацияда оғриқли.

Олд риноскопияда: бурун шиллик қаватида қизариш, шиш бор. Бурун ўрта йўлида шилимшиқ ажралма бор.

Беморга бўлимда антибиотикотерапия, яллиғланишга қарши терапия, кувватни оширувчи ҳамда маҳаллий терапия олиб борилди.

Ушбу даво чора-тадбирларини олиб боришимизга қарамай, болада яна безовталиқ, иштаҳасизлик, қичқириб йиғлаш пайдо бўлди ва қайта педиатр ва оториноларинголог кўриги ташкил қилинди.

Педиатрлар томонидан фақатгина ички аъзолардан жигарда патологик ҳолат борлиги аниқланди. Оториноларинголог томонидан текширилганда отоскопия пайтида чап кулоқ пардасида қизириш, шиш борлиги, ноғора парданинг қалинлашганлиги ва билиш белгиларининг кўринмаслиги аниқланди. Умумий ҳолатнинг оғирлиги туфайли бемор болада чап томонлама тимпанопункция қилинди ва натижада шиллиқли-йирингли пунктат олинди. Пунктат бактериологик текширувга юборилди. Экилган йирингли экссудатдан *Staph. aureus* аниқланди ва унинг Бактокс ва таревидга сезгирлиги аниқланди. Ботокс ва та-ревдга сезгир бўлган аниқланди.

Маҳаллий даво учун мураккаб эритма (диоксидин, гидрокортизон суспензияда, нафтизин) ва иммунокорригирловчи терапия учун Иммун-5 препаратидан кунига 1 капсуладан ичиш тавсия этилди. Тимпанопункциядан 2 кун ўтгач, беморнинг аҳволи бир оз яхшиланди, тутқаноқлар тўхтади, токсикоз ҳолати камайди.

Орадан 3 кун ўтгач бемор аҳволида яна ёмонлашиш кузатилди. Интенсив терапия олиб борилишига қарамай, беморга интоксикация ҳолати кучая борди, тана ҳарорати 39-40°С гача кўтарилди. Отоскопияда: ноғора парда кизариб, шишган, ноғора парданинг юқори қисмлари қалинлашган, қулоқдан оқиши тўхтаган.

Беморга қайта чап томонлама тимпанопункция қилинди, шунга қарамай бемор аҳволига яхшиланиш кузатилмади. Боланинг аҳволи ўта оғирлашгани учун умумий оғриқсизлантириш остида чап томонлама антротомия ўтказилди; антрал бўшлиқда суяк нормал зичликда, ёпишқоқ шиллиқли-йирингли пунктат олинди. Антрал бўшлиғи физиологик эритма билан ювилиб, Бактокс эритмаси юборилди.

Антротомиядан кейинги иккинчи куни боланинг аҳволи яхшиланди, токсикоз ҳолатлари аста-секин камая бошлади, қулоқлардан йиринг 5 кундан кейин тўхтади. Бола яна 10 кун кузатув остида бўлди ва амбулатория шароитида даволаниш учун қониқарли ҳолатда стационардан чиқарилди.

Юқорида айтиб ўтилган мураккаб анъанавий даволаниш фонида асосий гуруҳнинг бемор болаларига (70 нафар бола) иммунокорригирловчи препарат Иммун-5 буюрилди.

Қиёсий гуруҳига (44 нафар бола) анъанавий комплекс консерватив терапия ва ўткир ўрта отитни маҳаллий даволашни олдилар. Кўрсатмаларга кўра, лимфотроп терапия, бурун ёндош бўшлиқларини Проец усулида ювиш амалга оширилди.

Иммун-5 препаратини қўллашнинг клиник самарадорлигини баҳолаш, шунингдек, асосий ва қиёсий гуруҳларида касалликнинг клиник кечимини солиштириш учун биз қуйидаги клиник мезонлардан фойдаландик: тана ҳароратининг меъёрлашуви, уйқуни нормаллашуви, безовталикнинг йўқолиши, Пинса ва Wachter белгиларининг йўқолиши, менингизм, қусиш ва кўнгил айниши клиник кўринишининг меъёрлашуви ҳамда ўрта қулоқда яллиғланиш жараёнининг пасайиши (оғриқ, шиш ва гиперемия) ва

касалхонада бемор болаларнинг стационарда қолиш кунларининг қисқарганликлари билан характерланади (жадвал 3.6).

Қиёсий гуруҳида тана ҳароратининг меъёрлашуви 2 кундан 6 кунгача бўлган тебранишлар диапазони билан, асосий гуруҳда бу кўрсаткич 1,7 кундан паст бўлган, бу қиёсий гуруҳининг кўрсаткичидан сезиларли даражада фарқ қилади ($p<0,05$).

Текширилган беморларнинг қиёсий гуруҳида уйқунинг меъёрлашуви $3,0\pm0,2$ ва асосий гуруҳда $2,7\pm0,1$ гуруҳлар ўртасидаги фарқлар 0,3 кунни ташкил этди ($p>0,05$). Бзовталиқ ва беморнинг йиғлашида шубҳасиз фарқ бор, бу ерда қиёсий ва асосий гуруҳ ўртасидаги фарқ 3,4 кунни ташкил қилди, гуруҳлар ўртасидаги фарқлар сезиларли ($p<0,05$).

Ўрта кулоқ яллиғланиши жараёнида Пинса ва Vacher симптомлари характерли бўлиб, бу кўрсаткичга кўра, гуруҳлар орасидаги фарқ 2,3 кунни ташкил қилди, гуруҳлар орасидаги фарқлар сезиларли ($p<0,05$).

Ушбу тоифадаги беморларда қусиш рефлексининг тўхташи қиёсий гуруҳда ўртача $3,2\pm0,09$ кун давомида кузатилган, индивидуал қийматлар оралиғи 1 кундан 5 кунгача ва $1,7\pm0,08$ кун ($p<0,05$). Ўрта кулоқдаги яллиғланиш жараёнининг камайиши (оғриқ, шишиш, гиперемия) қиёсий гуруҳидаги беморларда ўртача $6,6\pm0,1$ кун давомида содир бўлган ва асосий гуруҳ беморларида бу кўрсаткич $5,1\pm0,09$ кун, гуруҳлар орасидаги фарқ 1,5 кунни ташкил этди. Гуруҳлар орасидаги фарқлар сезиларли ($p<0,05$). Даволаш самарадорлигини тавсифловчи асосий кўрсаткич беморларнинг касалхонада қолиш муддатига кўра, ўрганилган гуруҳлардан энг яхши натижалар асосий гуруҳ беморларида олинган. Ушбу гуруҳда индивидуал даволаш вақти 5 дан 10 кунни ташкил этиб, ўртача $7,2\pm0,1$ кунни ва қиёсий гуруҳдаги беморларда бу кўрсаткич асосий гуруҳга нисбатан 2,4 кунга юқори бўлиб, ўртача $9,5\pm0,1$ кунни ташкил этди. Гуруҳлар орасидаги фарқлар сезиларли эди ($p<0,05$).

Шундай қилиб, болаларда сурункали вирусли гепатит В фонида ривожланган ўткир ўрта отитнинг кечишида асосий касаллик ҳамда

преморбид фон, бемор бола организмидаги реактивлик ва иммун тизими фаолиятининг пасайишига олиб келди.

Бу организмнинг интоксикациясини ривожланиши ва яллиғланишнинг инфекция марказидан бошқа органлар ва тизимларга, шу жумладан ўрта кулоққа ўтиши учун шароит яратди. СВГВ фонида ривожланган ўткир ўрта отитнинг ривожланишидаги клиник кечиш хусусияти касалликнинг клиник кечиш даражасига ҳамда ҳужайравий ва гуморал иммун тизимининг пасайиши билан характерланди.

Сурункали вирусли гепатит В билан касалланган бемор болаларда лаборатор-биокимёвий таҳлилларнинг касалликнинг кечиш даражаси бўйича ўртача таҳлил натижалари

Иштаҳанинг пасайиши касалликнинг энгил кечишида 4 бемор болаларда, ўртача оғир даражада 18 бемор болаларда ва оғир касаллик кечиш ҳолатида 26 бемор болаларда қайд этилди ($p < 0,01$). Тадқиқот гуруҳидаги бемор болаларда касалликнинг кечиш даражасига қараб 16 нафар бемор болаларда таъм билишнинг пасайиши аниқланган ($p < 0,001$). Кўнгил айланиш клиник белгилари касалликнинг энгил даражасида -6 нафар болаларда, ўрта оғир даражасида -9, оғир даражасида -15 нафар болаларга қайд этилган. Касаллик аломатлари турли босқичларда ўзининг ўзига хос кўринишларини намоён қилган. Масалан, қусиш симптоми касалликнинг энгил даражасида 8 нафар болада, ўрта оғир босқичида 25 нафар болада, энг оғир шаклида эса 36 нафар болада қайд этилган. Шу билан бирга, оғизда аччиқлик ҳисси касалликнинг энгил босқичида 8 (%) нафар бемор болаларда, ўрта оғир босқичида 21 (%) нафар бемор болаларда ва оғир даражада 28 (%) нафар бемор болаларда кузатилган. Бундан ташқари, эпигастрал соҳада ёки ўнг қовурға ёйи остида оғирлик ва оғриқ каби белгиларнинг энгил даражада 7 (%) нафар бемор болаларда, ўртача оғир даражада 23 (%) нафар бемор болаларда, оғир даражада эса 29 (%) нафар бемор болаларда намоён бўлган. Назорат остига олинган бемор болаларда касалликнинг энгил даражасида бош оғриши ва уйқунинг бузилиши клиник симптомлари аниқланмаган бўлса, касалликнинг ўрта оғирлик даражасида -8

нафар ва -5 нафар бемор болаларда, касалликнинг оғир даражасида эса-20 ва 8 ҳолларда мос равишда бош оғриши ва уйқунинг бузилиши клиник белгилари учраган(3.7-жадвал).

3.7-жадвал

Тадқиқот гуруҳларида клиник симптомларнинг касалликнинг кечиш ва оғирлик даражасига кўра тақсимланиши

Клиник симптомлар	Асосий гуруҳ n=70						Қиёсий гуруҳ n=44					
	Енгил даража, n=12		Ўрта оғир даража, n=39		Оғир даража, n=19		Енгил даража, n=27		Ўрта оғир даража, n=14		Оғир даража, n=3	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%
Тез чарчаш	3	25.0	18	46,1	18	94.7			7		3	
Дармонсизлик	2	16.7	12	30,7	13	68.4			8		3	
Иштаҳанинг пастлиги	2	16.7	11	28,2	13	68.4			11		2	
Таъм билишнинг пасайиши	3	25.0	7	17,9	8	42.1					-	
Кўнгил айланиш	4	33.3	6	15,4	7	36.8			9		1	
Қусиш	5	41.7	16	41,02	17	89.5			5		1	
Оғизда аччиқлик	5	41.7	13	33,3	13	68.4			-		-	-
Эпигастрал соҳа ва ўнг коворға ёйи остида оғирлик ва оғрик	6	50	15	38,4	14	73.7			-		-	-
Бош оғриши	-	-	5	12,8	10	52.6					2	
Уйқунинг бузилиши	-	-	3	7,7	4	21,05						

Изоҳ. $P < 0.05$ қиёсий гуруҳга нисбатан

Бундан келиб чиқиб касаллик кечишида турли даражадаги симптомларнинг намоён бўлиш частотаси асосий гуруҳ бемор болаларда қиёсий гуруҳ болаларга нисбатан 1.5 баробар юқорилиги аниқланди ($p < 0.05$).

3.8-жадвал

**СВГВ фонида ривожланган ЎЎО билан касалланган болаларда
лаборатор-биокимёвий таҳлилларнинг касалликнинг ўртача оғирлик
даражаси бўйича ўртача таҳлиллари (n=53)**

Таҳлил номи		Асосий гурух (n=39)	Қиёсий Гуруҳи (n=14)	Ўлч.бир
ALT	АЛаТ	55	42	mmol/L
AST	АСат	42	37	mmol/L
TBIL	Билирубин(умумий)	21,8	21	mmol/L
DBIL	Билирубин(билвосита)	6,3	5,42	mmol/L
	Билирубин(бевосита)	14,5	14,4	mmol/L
UREA UV	Мочевина	8,4	8,3	mmol/L

Ушбу 3.2-жадвалдан кўриниб турибдики СВГВ фонида ривожланган ЎЎО касаллигининг ўрта оғирлик даражаси билан касалланган бемор болалар биокимёвий таҳлил натижаларига кўра, уларнинг меъёрдан ошиб кетганлиги кўрсатилган. Бу ҳолат инфекцион жараённинг барча ички аъзоларига ўзининг токсик таъсирини кўрсатаётганлигидан далолат беради.

3.9-жадвал

**СВГВ фонида ривожланган ЎЎО билан касалланган болаларда
лаборатор-биокимёвий таҳлилларнинг касалликнинг оғир кечиш
даражаси бўйича ўртача таҳлиллари (n=21)**

Таҳлил номи		Асосий гуруҳ (n=19)	Қиёсий гуруҳи (n=3)	Ўлч.бир
ALT	АЛаТ	76	42	mmol/L
AST	АСат	46	37	mmol/L
TBIL	Билирубин(умумий)	39	21	mmol/L
DBIL	Билирубин(бевосита)	9,2	5,42	mmol/L
	Билирубин(билвосита)	14,5	14,4	mmol/L
UREA UV	Мочевина	8,3	8,3	mmol/L

СВГВ фонида ривожланган ЎЎО билан касалланган болаларда лаборатор-биокимёвий таҳлилларнинг касалликнинг оғир кечиш даражаси бўйича ўртача таҳлил($n=39$) натижалари шуни кўрсатдики, периферик қондаги АЛТ миқдори(нормада-42 u/l)-76 u/l миқдоргача ошиб кетганлигини гувоҳи бўлди. Бунинг энг асосий сабаби, паразитар инфекциянинг барча ички аъзоларга токсик зарар етказганлиги бўлиб ҳисобланади.

СВГВ фонида ривожланган ЎЎО билан касалланган болаларда биохимик таҳлил утказилганда касалликнинг енгил даражасида ўзгаришлар кузатилмади. Биз шунинг учун касалликни ўрта оғир даражаси ва оғир даражасида кўринишларни 3.2 ва 3.3 жадвалларда кўрсатиб ўтдик.

Мисол учун қуйидаги кузатув олиб борилди: Бемор А. Г., 4 ёш 2 ойлик, К.Т. №2048-598. Бемор бола 2022 йил 17 августдан онасининг сўзидан тез чарчаш, дармонсизлик, иштаҳанинг пастлиги, таъм билишининг пасайиши, кўнгил айниши, қусиш, оғизда аччиқлик ҳиси борлиги, эпигастрал соҳада ва ўнг қовурга ёйи остида оғирлик ва оғриқ ҳисси, бош оғриши, уйқунинг бузилиши ва ўнг қулогидан йирингли ажралма оқиши шикоятлари билан вилоят клиник болалар юқумли касалликлар шифохонасига ётқизилган.

Таъхис: СВГВ ўрта оғир даражаси. Йўлдош касаллиги: Ўнг томонлама ўткир йирингли ўрта отит. Анемия-2 даража.

Анамнездан: бир йилдан буён касал бўлиб, тана ҳароратининг кўтарилиши, қусиш, қулогидан йирингли ажралма оқиши кузатилган. Бемор бола амбулатор даволанган, даво самарасизлиги туфайли, боланинг аҳволи ёмонлашган ва шундан сўнг вилоят клиник болалар юқумли касалликлар шифохонасига мурожаат қилишган.

Бемор гепатитлар бўлимига ётқизилган ва оториноларинголог маслаҳати буюрилган. Оториноларинголог кўриги пайтида бола аҳволи ўртача оғирликда ,бола безовта, отоскопияда ташиқи эшитув йўли кенг, йирингли ажралма билан тўлган, йиринг тозалангандан сўнг ногора парда қизариб, шишган, ногора парда таранг тортилган қисмида марказий тешик

бор. Олд риноскопияда-бурун шиллик қаватида қизариш,ишиш бор,бурун пастки йўлларида шилимишиқ ажралма кўринади.

Тери қопламлари оқарган, қуруқ, терининг тургори камайган, шиллик пардалар қуруқ. Ўпкада везикуляр нафас эшитилади.НОС-22та. Юрак тонлари бўғиқ, пулси 88 марта бир минутда. Талогги катталашмаган. Жигар қовурға ёйидан пастга тушган, пайпасланади. Стул ва диурез меъёрий.

СВГВни даволаш фониди ташқи эшитиш йўли ҳар кунлик тозаланиб дорили пликчалар кунига 3 маҳал қўйиб борилди. Беморга стандартли давога иммунокорригирловчи препарат Иммун-5 1капсуладан кунига 2 маҳал ичиш буюрилди..

Беморга 10 кунлик умумий ва маҳаллий даволанишдан сўнг беморнинг аҳволи яхшиланди, қусиш тўхтади, қорин соҳасидаги оғриқлар камайди, бола тинчланди, иштаҳаси яхшиланди, қулоқдан йирингли ажралма оқиши тўхтади, ўнг қулоқнинг отоскопия пайтида ташқи эшитув йўли эди, йирингли ажралма оқиши тўхтаган, қулоқ пардаси кулранг , ишишиш камайган ва контурлари аниқ эди. 10 кун давомида комплекс даволанишдан сўнг, бола амбулатория шароитида даволаниш учун қониқарли аҳволда стационардан чиқарилди.

IV-БОБ. СУРУНКАЛИ ВИРУСЛИ ГЕПАТИТ В ФОНИДА РИВОЖЛАНГАН ЎТКИР ЙИРИНГЛИ ЎРТА ОТИТ БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОР БОЛАЛАРДА КЛИНИК-ЛАБОРАТОР ВА ИММУНРЕАКТИВЛИК ҲОЛАТИ

СВГВ фонида ривожланган ЎЎО билан оғриган бемор болаларда иммунреактивлик ҳолати

Маълумки жигар касалликларининг патогенезида организм иммун тизимининг ҳолати муҳим аҳамиятга эга. СВГВ фонида ривожланган ЎЎО билан оғриган бемор болалардаги гуморал ва ҳужайрали иммун тизими кўрсаткичларини ўрганиш аниқ яллиғланиш жараёнининг фаоллигини баҳолаш ва тегишли иммунокоррекция қилиш учун амалий ва илмий аҳамиятга эга.

Жигар касалликлари натижасида ривожланган иммунитет танқислик ҳолати энг ноқулай оқибат ва классик клиник белгидир.

Сурункали вирусли гепатит В ва ўткир ошқозон-ичак патологиялари билан оғриган болаларда иммун тизимининг регулятор ва ҳимоя функцияларидаги жиддий бузилишлар касаллик жараёнининг клиник манзарасига чуқур таъсир ўтказди. Бу ҳолатлар, ўз навбатида, асосий касалликнинг ўртача оғир ва ўта оғир шаклларида иммун тизимининг ўзгарувчан хусусиятларини ҳар томонлама илмий таҳлил қилиш заруратини юзага келтирди. Шундай қилиб, ушбу жараёнлар мураккаб динамик жиҳатдан чуқур тадқиқ қилинди.

Маълумки, ўткир яллиғланиш реакциялари ривожланишида иммунитетнинг ҳужайравий бўғини етакчи ўрин эгаллайди ва унда Т-лимфоцитлар, Т-лимфоцитларнинг асосий субпопуляцияларининг нисбати асосий ўрин тутди.

Ушбу тадқиқотда Т-ҳужайра иммун тизими кўрсаткичлари CD3⁺ (Т-лимфоцитлар), CD4⁺ (Т-хелпер/индукторлар) ва CD8⁺ (Т-цитотоксик лимфоцитлар) антигенлар экспрессияси мавжудлиги, ҳамда CD4⁺/CD8⁺ нисбати (иммунорегулятор индекс - IRI) қиймати билан баҳоланди. СВГВ фонида ривожланган ЎЎО билан оғриган бемор болаларда В-лимфоцитларнинг қийматлари периферик қон зардобидидаги асосий

иммуноглобулинларнинг концентрацияси ўрганилди. Иммуно тизимининг асосий ҳужайра кўрсаткичларига қўшимча равишда, натижаларни таҳлил қилишда катта диагностик ва прогностик аҳамиятга эга бўлган лимфоцитларнинг эрта ва кеч фаоллашув белгилари ўрганилди.

СВГВ фонида ривожланган ЎЎО билан оғриган бемор болаларда иммунитетнинг Т-ҳужайравий бўғини қийматларини тадқиқ этиш натижаларини таҳлил этиш орқали организмда ифодаланган инфекцион яллиғланиш жараёни бўлган бемор болаларда лейкоцитлар умумий сонининг ўртача миқдори асосий гуруҳ бемор болаларда қиёсий гуруҳ бемор болаларга нисбатан 1 баобар юқорироқ бўлганлигини кўрсатди ($p < 0.05$).

Қон лаборатор таҳлил натижаларидаги лейкоцитларнинг нисбий миқдори пасайишга мойил бўлиб, лекин ҳаққоний фарқланмаган. Иккиламчи ўрта кулоқда яллиғланиш бўлган болаларда лейкоцитлар сони ошганлиги кузатилгани туфайли лимфоцитларнинг абсолют қиймати қиёсий гуруҳига нисбатан ҳаққоний юқорироқ бўлган.

Иммуно тизими Т-ҳужайравий бўғинининг таҳлили натижалари шуни кўрсатдики, СВГВ фонида ривожланган ЎЎО билан оғриган бемор болаларда CD3+ Т-лимфоцитларнинг нисбий миқдори қиёсий гуруҳи қийматларидан пастроқ бўлган. Масалан, қиёсий гуруҳида CD3+ қиймати $53,10 \pm 2,47\%$ ни ташкил этган, асосий гуруҳ болаларида эса ушбу кўрсаткич ўртача $47,40 \pm 1,05\%$ ни ташкил этган, бу ҳаққоний фарқ қилган эди. Болаларнинг асосий гуруҳида Т-лимфоцитларнинг мутлақ қийматлари ўзаро ҳаққоний фарқланмаган.

Иммуно тизими CD4+ ва CD4+ каби лимфоцитлар субпопуляцияларининг тавсифини ўз ичига оловчи Т-ҳужайравий бўғинининг субпопуляциявий таркибини таҳлил қилишда асосий гуруҳ болаларида Т-хелпер/индукторлар (CD4+) миқдорининг 1,2 баравар камайгани аниқланган. Лейкоцитларнинг юқори қийматлари сабабли CD4+ лимфоцитлар кўрсаткичларининг мутлақ сони ортишга мойил бўлган. Бу лейкоцитлар, шу жумладан лимфоцитларнинг етарлича мавжудлиги, лекин шу аснода

иммунитет ҳолатида асосий тартибга солиш вазифасини бажарувчи Т-хелперлар/индукторлар субпопуляцияси ингибирланиши билан боғлиқ бўлган. Демак, болаларнинг асосий гуруҳида Т-хелперлар/индукторларнинг нисбий миқдори қиёсий гуруҳининг маълумотларига қараганда ҳаққоний тарзда пастроқ бўлган.

CD4+/CD8+ нисбатининг (иммунорегулятор индекси - ИРИ) таҳлили унинг қиёсий гуруҳининг кўрсаткичларига нисбатан ҳаққоний пасайишини кўрсатди ($P < 0,05$). Асосий гуруҳ болаларида ИРИ шахсий кўрсаткич-ларининг фарқи маълум даражада ўзгариб турган, лекин беморларнинг кўпчилигида ИРИ 1,0 дан пастроқ қийматларда бўлган. ИРИ нинг бундай ўзгариши CD8+ лимфоцитлар қийматининг ҳаққоний бўлмаган ўзгаришлари фонида CD4+ лимфоцитлари пасайиши ҳисобига кузатилган. Биз CD8+ лимфоцитлар сони қиёсий гуруҳининг қийматларида ҳаққоний фарқланмаганлигини аниқладик. Афтидан, бу болаларда иммунитет етишмаслиги ҳолати билан боғлиқ бўлган, ҳамда у инфекцион жараён мавжудлиги ҳамда патогенга номувофиқ жавоб бериш туфайли кучайган.

CD4+ Т-хужайралари ва CD8+ Т-цитотоксик лимфоцитлар сонининг аниқ танқислиги билан намоён бўлиши асосий гуруҳдаги болаларда Т-хужайраларнинг оғир танқислиги Т-лимфоцитларнинг иммунорегулятор субпопуляцияларининг танқислиги билан боғлиқлиги аниқланди.

CD16+ маркёрли лимфоцитларнинг экспрессиясига оид қиёсий таҳлиллар, асосий гуруҳ болаларида ушбу кўрсаткич қиёсий гуруҳига қараганда сезиларли даражада ошганлигини кўрсатди. Хусусан, асосий гуруҳда CD16+ лимфоцитлар улуши $18,86 \pm 0,78\%$ ни ташкил этиб, қиёсий гуруҳида $15,20 \pm 1,60\%$ кўрсаткичдан 1,3 баравар юқори эканлиги аниқланди ($p < 0,05$). Шунингдек, CD16+ маркёрли хужайраларнинг мутлақ миқдори асосий гуруҳда қиёсий гуруҳидан юқори бўлгани қайд этилди ($p < 0,05$). Бу ҳодиса инфекция агентлари таъсири натижасида иммунитет тизимининг фаоллашуви ва CD16+ маркёрли етилмаган лимфоцитларнинг интенсив равишда кўпайиши билан боғлиқ ҳолда тушунтирилади. Маълумки, табиий

киллерлар табиий ҳимоя омилларига киради ва носпецифик юқишга қарши барқарорликни таъминлайди, унга инфекция агентларини таниш ва бартараф этишда етакчи ўрин беришади. Бундан ташқари, мълумки, табиий киллерлар иммунобиологик назорат тизимининг бош хужайравий эффекторларидир. Улар организмда ўсма хусусиятли ва инфекция агенти юққан хужайралар устидан назорат каби муҳим вазифаларни бажаради. Шу муносабатда яллиғланиш жараёнларида табиий киллерларнинг нисбий ва мутлак миқдорини ўрганиш катта илмий ва амалий қизиқиш уйғотади.

В-лимфоцитларнинг қийматлари ва иммунитетнинг гуморал тизими хусусиятлари

Периферик қон зардобиди В-лимфоцитлар ва гуморал иммун тизими даражасини ўрганиш В-лимфоцитлар(CD20+)нинг умумий популяциясини аниқлаш ва иммуноглобулинларнинг IgA, IgG ва IgM асосий синфларининг концентрациясини ўрганиш асосида амалга оширилди.

В-лимфоцитлар даражасини таҳлил қилиш бемор болаларнинг асосий гуруҳида CD20+ маркери билан лимфоцитлар сонининг камайиш тенденциясини кўрсатди. Биз сезиларли фарқларни топмадик. Шубҳасиз, бу CD20+нинг В-лимфоцитлар етуклигининг белгиси бўлиб, яллиғланиш жараёнларида, айниқса болаларда лимфоцитларнинг етуклигининг бузилиши кузатилади, иммунокомпетент хужайралар ўзининг етилиши ва ўз вазифаларини бажариш қобилятини йўқотади. Олинган маълумотлар 2-жадвалга келтирилган.

Иммунитетнинг гуморал тизимини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, бемор болаларнинг асосий гуруҳида кўпинча турли хил этиологиясининг яллиғланиш жараёнларида кузатиладиган иммуноглобулинларнинг барча асосий синфларида ўсиш тенденцияси мавжуд. Бироқ, биз сезиларли фарқларни топмадик.

4.4-жадвал

В-лимфоцитлар ва гуморал иммун тизими кўрсаткичлари, (M±m)

Иммунологик параметрлар	Қиёсий гуруҳи (n=15)	Асосий гуруҳ (n=50)	P
CD20+, %	25,5±0,06	22,14±0,008	<0,001
CD20+, мкл	571,3±0,05	641,32±0,003	<0,001
IgG	0,93±0,005	1,01±0,004	<0,001
IgA	0,84±0,006	1,26±0,002	<0,001
IgM	1,05±0,008	1,11±0,007	<0,001

Аммо, эҳтимол, бу нафақат қон зардобдаги иммуноглобулинлар даражасининг ўзгариши, балки иммуноглобулинлар синтезининг йўналиши ва босқичини баҳолаш, бу В-хужайраларнинг иммуноглобулинларнинг бир синфининг синтездан бошқасига ўтишини кўрсатади. Биз иммуноглобулинларнинг асосий синфларининг нисбатларини қиёсий гуруҳининг кўрсаткичлари билан таққослаб таҳлил қилдик. Олинган маълумотар 4.4-жадвалга келтирилган.

Болаларнинг асосий гуруҳида CD25+ нисбий сонини таҳлил қилиш қиёсий гуруҳи қийматлари билан таққослашда жиддий фарқларни кўрсатган. Афтидан, лимфоцитларда CD25+ экспрессиясининг бундай пасайиши интерлейкин-2 нинг иммунитет жиҳатидан тўлақонли қон хужайралари етилишига етарли таъсир этмаслиги билан боғлиқ (4.5-жадвал).

4.5-жадвал

Тадқиқот гуруҳларида иммунологик кўрсаткичлар ҳолати (M±m)

Тадқиқот гуруҳлари	CD25+, %	CD25+, мкл	CD95+, %	CD95+, мкл
Асосий гуруҳ (n=47)	19,60±0,66*	625,7±14,10*	20,80±0,62	369,0±16,2*
Қиёсий гуруҳ (n=15)	23,80±1,72	533,38±29,01	23,20±1,31	566,9±24,0
Изох	*p<0,05, қиёмий гуруҳга нисбатан			

СВГВ фонида ривожланган ЎЎО билан оғриган бемор болаларнинг асосий гуруҳида CD25+ нисбий сонини таҳлил қилиш қиёсий гуруҳи қийматлари билан таққослашда жиддий фарқларни кўрсатган. Афтидан, лимфоцитларда CD25+ экспрессиясининг бундай пасайиши IL-2 нинг иммунитет жиҳатидан тўлақонли қон хужайралари етилишига етарли таъсир этмаслиги билан боғлиқ. Афтидан, асосий гуруҳга кирувчи болалар нафақат Т- ва В-лимфоцитларнинг миқдорий таркиби жиҳатидан, балки Т-лимфоцитлар ўсиши омилларининг, жумладан IL-2 нинг етишмаслиги жиҳатидан иммунитет етишмаслигига учраган.

СВГВ фонида ривожланган ЎЎО билан оғриган бемор болаларнинг асосий гуруҳида CD25+ нисбий сонини таҳлил қилиш қиёсий гуруҳ қийматлари билан таққослашда жиддий фарқларни кўрсатган. Бундан кўриниб турибдики, лимфоцитларда CD25+ экспрессиясининг бундай пасайиши IL-2 нинг иммунитет жиҳатидан тўлақонли қон хужайралари етилишига етарли таъсир этмаслиги билан боғлиқ. Афтидан, асосий гуруҳга кирувчи болалар нафақат Т- ва В-лимфоцитларнинг миқдорий таркиби жиҳатидан, балки Т-лимфоцитлар ўсиши омилларининг, жумладан IL-2 нинг етишмаслиги жиҳатидан иммунитет етишмаслигига учраган.

Асосий гуруҳ болаларида кечки активация маркерлари CD95+ таҳлили яллиғланишли беморлар гуруҳидаги ҳаққоний фарқларни аниқлади. Бунда CD95+ лимфоцитларининг нисбий сони қиёсий гуруҳига нисбатан камайган эди ($p<0,05$).

CD95+ мутлақ қийматларининг таҳлили бизга қиёсий гуруҳи қийматларига нисбатан ҳаққоний пасайишни аниқлашга имкон берди. Шундай қилиб, асосий гуруҳ болаларида хужайравий иммун жавобига кучли ифодаланган. Т-хужайравий иммунитет етишмаслиги хос бўлиб, у CD8+ Т-цитотоксик лимфоцитлар ва иммунорегулятор индекси қийматлари пасайиши фонида CD3+ лимфоцитлар, CD4+ Т-хелперлар нисбий сонининг камайиши орқали намоён бўлган. Балки Т-цитотоксик лимфоцитларнинг нисбий

сонининг пасайиши касалликнинг номақбул кечишига мос бўлган иммун жавобининг тўлақонли эмаслигидан далолат бериши мумкин.

Т-лимфоцитларнинг субпопуляцияларининг номутаносиблиги натижасида иммунорегулятор индекснинг пасайиши қайд этилди, бу иммунитет реакциясининг етарли эмаслигининг кўрсаткичидир. Бундан ташқари, ҳужайра тизимидаги номутаносиблик гуморал ҳимоя омилларига сезиларли ўзгаришларга олиб келади. Асосий гуруҳдаги болаларда IgA ва IgG нинг бир оз юқори гиперпродукцияси кузатилди.

Табиий ҳимоя омиллари табиий киллерларнинг нисбий ва мутлақ таркибининг ортиши билан тавсифланган.

Лимфоцитлар фаоллашуви белгиларининг ўзгариши билан CD25+ ва CD95+ нинг нисбий қийматларини камайиши аниқланди. Шубҳасиз, жигарда патологик жараёни аниқ бўлган болаларда патологик жараённинг ривожланишида CD25+ ва CD95+ ифодаланишидаги сифат ва миқдорий бузилишлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

СВГВ фонида ривожланган ЎЎО билан оғриган бемор болалардаги иммун тизимидаги цитокин профили ҳолати


Цитокинлар мустақил бошқарув тизими бўлиб, патогенлар таъсирида ва тўқималарнинг зарарланишида гомеостазни ушлаб туриш учун асосий ҳисобланади. Бу полипептид медиаторлар гуруҳи бўлиб, улар организмнинг иммун жавобларини шакллантириш ва бошқаришда марказий роль ўйнайди. Цитокинлар даражасини ўлчаш иммунокомпетент ҳужайраларнинг функционал фаоллигини баҳолаш, яллиғланиш жараёнининг оғирлиги ва унинг тизимли кўринишларини аниқлаш, шунингдек, касалликнинг кейинги кечишини башорат қилиш имконини беради. 1- ва 2-типдаги Т-хелперлар фаоллиги патологик жараён динамикасининг муҳим кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади. Замонавий усуллар, жумладан, иммунофермент диагностик тест тизимлари организмнинг иммун тизимини ўрганиш ва олинган маълумотларни клиник амалиётда қўллаш учун янги истикболларни очади.

Яллиғланишга хос ва яллиғланишга қарши цитокинлар яллиғланиш жараёнлари ва иммун реакцияларнинг бошқарилишини таъминлайди. ИФН- γ ва ИЛ-4 каби цитокинлар яллиғланиш интенсивлиги ва давомийлигини, шунингдек, ўзига хос иммун жавобни тартибга солади. ИФН- γ фаоллашган Т-лимфоцитлар ва табиий киллерлар томонидан синтезланади. Т-лимфоцитлар орасида ситотоксик CD8⁺ ва хелпер CD4⁺ хужайралар яллиғланиш олди цитокинларини ишлаб чиқаришга қодир. Бироқ, Т-лимфоцитлар Th1 ва Th2 да табақалашгандан кейин фақат Th1 хужайралари бу қобилиятни сақлаб қолади. Яллиғланиш олди цитокинларининг асосий вазифаси лимфоцитлар ва макрофагларнинг ўзаро таъсирини мувофиқлаштириш ва хужайравий ва гуморал иммун компонентлар ўртасидаги мувозанатни тартибга солишдир. Th1 хужайралари ишлаб чиқарадиган яллиғланиш цитокинлари Th2 хужайраларининг секретор фаоллигини сўндиради ва шу билан гуморал иммун жавобни тўхтатади. Шундай қилиб, яллиғланиш олди цитокинлари хужайравий иммун жавобда етакчи роль ўйнайди, шу билан бирга гуморал иммунитет ингибиторлари ва иммун мувозанатнинг муҳим регуляторлари бўлиб ҳам хизмат қилади.

ИФН- γ В-лимфоцитлар пролиферациясини рағбатлантириш ва уларнинг функцияларини фаоллаштириш орқали иммунорегулятсияда асосий роль ўйнайди. Бу цитокин хужайра иммун жавобининг муҳим омили бўлиб, иммун тизимнинг турли хил хужайраларининг ўзаро таъсирини таъминлайди. Th2 хужайраларининг асосий маҳсулоти бўлган ИЛ-4 семиз хужайралар ва В-лимфоцитлар томонидан ҳам синтезланади. У кучли яллиғланишга қарши таъсирга эга бўлиб, макрофаглар функциясини ва уларнинг ИЛ-1, ИЛ-6 ва ИЛ-12 каби яллиғланиш цитокинлари секрециясини пасайтиради. ИЛ-4 нафақат Th2-хужайралар дифференциациясини рағбатлантиради, балки В- ва Т-лимфоцитлар, шунингдек, бошқа иммун хужайралар, шу жумладан макрофаглар, табиий киллерлар ва базофиллар ривожланишида фаол иштирок этади. ИЛ-4 ва Th1 цитокинларининг антагонизми Th1 хужайраларининг гуморал жавобининг бостирилиши ва аллергия реакциялар ривожланишига

ёрдам берадиган механизмларнинг фаоллашувида намоён бўлади. ИЛ-4 иммун жавоб динамикасига таъсир қилиб, яллиғланиш ва яллиғланишга қарши жараёнлар ўртасидаги мувозанатни бошқаришда асосий роль ўйнайди.

СВГВ билан боғлиқ бўлган ўткир ўрта отит (ЎЎО) билан оғриган болаларда яллиғланишга қарши цитокинлар ўрганилди. Тадқиқот натижалари 3.2-расмда график кўринишда келтирилган.



4.2-расм. СВГВ фонида ривожланган ЎЎО билан оғриган бемор болаларда яллиғланиш олди ва яллиғланишга қарши цитокинлар ҳолати

СВГВ фонида ривожланган ўткир ўрта отит (ЎЎО) билан оғриган болаларда яллиғланиш ва цитокинлар даражаси ўрганилди. Тадқиқот натижалари назорат ва асосий гуруҳлар ўртасида сезиларли фарқларни кўрсатди.

Қиёсий гуруҳдаги бемор болаларда IFN-γ даражаси $23,70 \pm 5,38$ пг/мл ни ташкил этди, асосий гуруҳда эса у $82,80 \pm 25,07$ пг/мл гача ошди, бу яллиғланиш жараёнининг фаоллигининг ошганлигидан далолат беради. Худди шундай динамика қиёсий гуруҳидаги IFN-γ даражасини ($10,95 \pm 3,65$

пг/мл) асосий гуруҳ билан солиштирганда кузатилган ($86,08 \pm 25,72$ пг/мл), бу ерда кўрсаткич 7,9 баравар юқори бўлган.


Яллиғланишга қарши цитокин ИЛ-4 даражаси ҳам асосий гуруҳда сезиларли даражада ошди, бу яллиғланишни тўхтатишга қаратилган иммун тизимининг компенсатор реакциясини акс эттиради.

Цитокин профилининг қиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, соғлом болаларда яллиғланиш олди ва яллиғланишга қарши цитокинларнинг (IFN- γ /IL-4 ёки Th1/Th2) нисбати 2,2 ни ташкил қилади. СБГВ фонида ривожланган ўткир ўрта отит (ЎЎО) бўлган болаларда бу кўрсаткич 0,96 гача камайди. Бундай динамика ўткир яллиғланиш ҳолатларини назорат қилишда асосий роль ўйнайдиган яллиғланишга қарши цитокинлар даражасининг сезиларли даражада ошиши ва бир вақтнинг ўзида яллиғланиш олди цитокинларининг пасайиши билан тавсифланувчи регулятор цитокинларнинг яққол номутаносиблигидан далолат беради. Бу фаол яллиғланиш жараёни билан боғлиқ иммун регуляциядаги чуқур ўзгаришларни кўрсатади.

Шундай қилиб, СБГВ фонида ривожланган ЎЎО билан оғриган бемор болалардаги асосий касалликнинг кечиш оғирлигига қараб клиник белгиларнинг ривожланиб бориши ҳамда касаллик авж олган босқичда бу клиник белгиларнинг кучайиб бориши билан характерланади. Ушбу патологияда жигар ва талоқнинг катталашуви яққол намоён бўлди. СБГВ фонида ривожланган ЎЎО билан оғриган бемор болалардаги касалликнинг клиник кечиш даражаси ва касалликнинг клиник кўринишларида организмдаги иммун тизимининг хужайравий, гуморал тизими кўрсаткичларининг камайиши ва ўткир яллиғланиш ҳолатларининг асосий регуляторлари бўлган яллиғланишга қарши цитокинларнинг кескин ортиши ва яллиғланиш олди цитокинларнинг камайиши билан ифодаланган.

Сурункали вирусли гепатит В фонида ривожланган ўткир йирингли ўрта отит билан оғриган бемор болаларда иммунокоррекциядан кейин иммунологик кўрсаткичларининг ҳолати

Илмий ишнинг тадқиқоти икки йўналишда олиб борилди. Даволаш чора тадбирларини оптималлаштириш мақсадида Асосий ва қиёсий гуруҳлар 2 кичик гуруҳга бўлинди. АГ – 1 ва ҚГ -1 ни ташкил этган кичик гуруҳларда анъанавий даво чоралари, АГ -2 ва ҚГ -2 ни ташкил этган кичик гуруҳларда бўлса анъанавий давога қўшимча равишда иммуностимуляцион даво чоралари қўлланилган.



4.2-расм. Даволаш чора тадбирларини оптималлаштириш мақсадида беморларни гуруҳларга бўлиниши

Тадқиқот давомида сурункали вирусли гепатит В (СВГВ) фонида ривожланган ўткир йирингли ўрта отит (ЎЙЎО) билан оғриган болаларда иммун статусда яққол ўзгаришлар кузатилганлиги аниқланди. Бу эса бундай беморларда иммунотроп терапия қўлланилгандан сўнг хужайравий ва гуморал иммунитет ҳолатини анъанавий даволаш билан таққослаганда батафсил таҳлил қилиш заруратини келтириб чиқарди. Аниқланган иммун бузилишларни коррекциялаш учун иммуномодулятор таъсирга эга бўлган ва иммун тизимидаги мувозанатни тиклашга ёрдам берадиган Иммун-5 препарати қўлланилди.

Тадқиқот гуруҳларида даволаш жараёнида бемор болаларда хужайрали иммунитетнинг ҳолати

Сурункали вирусли гепатит В фонида ривожланган ўткир йирингли ўрта отит билан оғриган болаларда Т-хужайра иммунитетининг қийматларини ўрганиш натижалари 4.6-жадвалда келтирилган. Даводан сўнг сурункали вирусли гепатит В фонида ривожланган ўткир йирингли ўрта отит билан

оғриган бемор болаларда кўриниб турибдики, даволанишдан олдинги кўрсаткичларга қараганда лейкоцитлар умумий сонининг сезиларли даражада камайиши аниқланган. Биз бу кўрсаткич меъёрнинг қийматига яқинлашганини аниқланган.

Даволашдан сўнг периферик қондаги лимфоцитларнинг нисбий ва мутлақ сонининг ўртача қийматининг пасайиши кузатилди, бу мос равишда $36,20 \pm 0,97\%$ ва $1822,2 \pm 81,72$ ни ташкил этди. Даволашдан олдин бу кўрсаткичлар сезиларли даражада юқори бўлиб, 1 мкл учун $40,72 \pm 1,19\%$ ва $2896,7 \pm 155,57$ га тенг эди. Шундай қилиб, периферик қондаги лимфоцитлар умумий сонининг статистик жиҳатдан сезиларли даражада камайиши қайд этилди.

Даволаш ва иммунокоррекциядан сўнг Т-лимфоцитлар умумий фоизининг қиёсий таҳлили ушбу кўрсаткичнинг $47,40 \pm 1,05$ бошланғич қийматларга нисбатан $50,28 \pm 0,99\%$ га етган ишончли ўсишини кўрсатди. Анъанавий терапиядан сўнг беморларда лейкоцитлар сони ва лимфоцитларнинг мутлақ сони ўртасида сезиларли фарқ аниқланди.

1 мкл қондаги Т-лимфоцитларнинг мутлақ миқдорини ўрганиш даволашдан олдинги қийматларга нисбатан сезиларли пасайишни аниқлади, бу лейкоцитлар умумий сонининг камайиши билан боғлиқ. Шу билан бирга, иммун тизимининг асосий хужайралари бўлган Т-лимфоцитлар улушининг кўпайиши иммунокоррекциянинг етарли даражада самарадорлигидан далолат беради. Шу билан бирга, Т-лимфоцитларда CD3+ экспрессиясини таҳлил қилиш сезиларли ўзгаришларни аниқламади, бу эса даволаш жараёнида ушбу параметрнинг барқарорлигини сақлаб қолганлигини кўрсатади.

Иммунокоррекцияловчи дори воситасини қўллашда Т-хелперлар /индукторларнинг нисбий ва мутлақ таркибининг миқдорий хусусиятларини ўрганиш сезиларли ўзгаришларни аниқлади. Даволашдан кейин болаларда CD4+ нинг ўртача даражаси $26,56 \pm 0,73\%$ гача ошди, бу даволашдан олдинги $22,36 \pm 0,93\%$ кўрсаткичдан сезиларли даражада юқори. CD4+ нинг абсолют миқдори ҳам ўзгарди ва яллиғланиш жараёнининг камайиши ва

лейкотситларнинг умумий сонининг камайиши билан боғлиқ бўлган ишончли пасайишни кўрсатди. Анъанавий терапиядан кейин Т-хелперлар/индукторлар таҳлили иммунокоррекция ўтказилган беморлар гуруҳи билан солиштирганда сезиларли фарқларни кўрсатди. Бу комплекс даволаш доирасида, айниқса, антипаразитар терапия билан биргаликда иммунокоррекцияловчи аралашувларнинг муҳимлигини яна бир бор таъкидлайди. Кейинги қиёсий таҳлил шуни кўрсатдики, иммунокоррекциядан кейин гуруҳдаги Т-хелперлар/индукторларнинг мутлақ сони ҳам бошқа гуруҳлардаги қийматлардан сезиларли даражада фарқ қилди. Ушбу натижалар Т-ёрдамчи/индукторларнинг инфекцияга иммун жавобдаги муҳим роли ва иммун функцияни тиклаш учун иммунокоррекция самарадорлигини тасдиқлайди.

Иммунорегуляцион индекси (ИРИ) қийматининг қиёсий таҳлили даволанишдан кейин сезиларли даражада ўсишини аниқлади, бу даволашдан кейин CD4 + сонининг етарли даражада кўпайишини ва яллиғланиш жараёнларини тартибга солувчи иммунорегуляцион хужайралар ўртасида мувозанат ўрнатилганини кўрсатди. Даволанишдан кейин иммунорегуляцион индекс ўртача $1,15 \pm 0,06$ бўлиб бошланғич қийматларига яқинлашди.

Лимфоцитларда CD16+ нинг экспрессияси даволашдан олдинги қийматларга қараганда даволашдан кейин сезиларли даражада камайди. Даволанишдан кейин табиий киллерлар сони бошланғич қийматга яқинлашди, бу яллиғланиш реакцияси жараёнининг пасайишини кўрсатди. Табиий киллерларнинг мутлақ сони ҳам камайди, бу сезиларли даражада ажралиб турди.

Биз анъанавий терапиядан сўнг болалар гуруҳида нисбий ва мутлақ кўрсаткичларнинг сезиларли даражада фарқланишини кўрдик, бу яна инфекцион патологиянинг мавжудлигини кўрсатади.

Биз иммунокоррекцияловчи терапиядан кейин болаларда иммун толерантлик ҳолатида сезиларли ўзгаришларни аниқладик. Ушбу ўзгаришлар асосий иммунорегулятор хужайралар - Т-лимфоцитлар ва Т-хелперлар/ин-

дукторлар микдорининг кўпайиши, шунингдек, табиий киллерлар микдорининг камайиши билан ифодаланди. Сурункали вирусли гепатит В фонида ривожланган ўткир йирингли ўрта отитли болаларда Т-хелперлар кўрсаткичи бунга мисол бўла олади. Даводан сўнг иммунорегулятор хужайралар ўртасидаги мувозанатнинг сезиларли яхшиланиши кузатилди, бу яллиғланиш жараёнининг клиник кўринишининг ижобий динамикаси билан бирга кечди.

Даволаш бошланишидан олдин асосий гуруҳ болаларида иммунорегулятор Т-лимфоцитлар субпопуляциялари танқислиги билан бирга кечувчи кучли Т-хужайравий иммунитет танқислиги кузатилди. Бу CD4+ Т-хелперлар ва CD8+ Т-ситотоксик лимфоцитлар даражасининг кескин пасайиши билан намоён бўлди. Имунокоррекцияловчи терапия ушбу кўрсаткичларнинг меъёрий қийматларгача тикланишига олиб келди, бу иммун гомеостазнинг тикланишини кўрсатади. Тадқиқотнинг қизиқарли жиҳати табиий киллерлар даражасининг сезиларли даражада пасайиши бўлди. Уларнинг юқори фаоллиги, шу жумладан CD16+ экспрессияси, одатда, етилмаган лимфоцитларнинг фаоллашуви шароитида инфекцион агентнинг мавжудлиги ва унга кучли реаксия билан боғлиқ. Инфекция бартараф этилгандан сўнг, уларнинг сони қонуний равишда камайди, бу иммун тизимининг фаол жавоб ҳолатидан барқарорлашув босқичига ўтишини акс эттиради. Маълумки, табиий киллерлар организмнинг туғма ҳимоясида муҳим роль ўйнайди, носпецифик инфекцияларга чидамлилиқни таъминлайди ва патогенларни, шу жумладан паразитар агентларни самарали аниқлайди ва йўқ қилади. Терапиядан кейин уларнинг даражасининг пасайиши инфекцион агентнинг муваффақиятли бартараф этилганлигини ва яллиғланиш стрессининг пасайганлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, ўтказилган терапия яллиғланиш касалликлари бўлган болаларда иммун мувозанатни тиклашда юқори самарадорликни кўрсатди, бу унинг комплекс даволаш ва асоратларнинг олдини олишдаги аҳамиятини таъкидлайди.

Сурункали вирусли гепатит В фонида ривожланган ўткир йирингли ўрта отит билан оғриган болаларда (асосий гуруҳ) даволашдан кейин В-лимфоцитлар ва гуморал иммунитет ҳолати

Даволашдан кейин болаларда В-лимфоцитлар даражасидаги ўзгаришларни таҳлил қилиш сезиларли хусусиятларни аниқлади, улар 4.6-жадвалда батафсил келтирилган. Даволашдан олдин В-лимфоцитлар сонининг камайиши кузатилди, аммо даволашдан кейин уларнинг нисбий миқдори $25,72 \pm 0,98\%$ гача ошди, бу даволашдан олдинги $22,14 \pm 0,63\%$ га нисбатан сезиларли даражада юқори. В-лимфоцитларнинг мутлақ сони, аксинча, камайди ва 1 мкл да $456,48 \pm 27,68$ ни ташкил этди, бу лейкоцитлар сонининг умумий камайиши билан боғлиқ. Қиёсий таҳлил анъанавий терапиядан кейин болалар гуруҳида В-лимфоцитлар нисбий миқдорининг иммунокоррекцияловчи терапиядан кейинги гуруҳга нисбатан сезиларли даражада ошганлигини кўрсатди. Иммунитетнинг гуморал бўғинини ўрганиш яллиғланиш жараёнларига хос бўлган асосий гуруҳ болаларида иммуноглобулинларнинг барча асосий синфлари концентрациясининг ошиш тенденциясини аниқлади. Бироқ, терапия ўтказилгандан сўнг, IgG иммуноглобулин даражасининг сезиларли даражада пасайиши қайд этилди, у қон зардобиди $0,68 \pm 0,03$ МЕ ни ташкил этди. Иммуноглобулинларнинг қолган синфларида сезиларли ўзгаришлар кузатилмади. Анъанавий терапиядан ўтган болалар гуруҳида иммунитетнинг гуморал ҳолатини таҳлил қилиш даволашдан олдин ва кейин иммуноглобулинлар даражасида сезиларли ўзгаришларни аниқламади, бу иммунокоррекцияловчи ёндашувнинг гуморал бўғиннинг бошқарилишига кўпроқ таъсирини кўрсатади.

Олинган натижалар В-лимфоцитларнинг нисбий миқдорини тиклаш ва иммуноглобулинлар, айниқса IgG даражасини бошқаришда иммунокоррекцияловчи терапиянинг муҳим ролини тасдиқлайди. Бу унинг яллиғланиш касалликлари бўлган болаларда гуморал жавобни оптималлаштиришдаги аҳамиятини таъкидлайди.

4.6-жадвал

В-лимфоцитлар ва гуморал иммунитет кўрсаткичлари (M±m)

Иммунолог ик кўрсаткичлар	Анаъанавий даво		Аннаъанвий даво ва иммункоррекцияловчи даво		Анаъанавий даво		Аннаъанвий даво ва иммункоррекцияловчи даво	
	ҚГ -1		ҚГ -2		АГ -1		АГ -2	
	Давогача	Даводан сўнг	Давогача	Даводан сўнг	Давогача	Даводан сўнг	Давогача	Даводан сўнг
CD20+, 5–15%	23,8±1,08	19,6±0.7	23.1±0.14	15.7±0.7*	23.11±0.7	19.4±0.5	24,40±0,7	15.6±0.4*
CD20+, 100–600 хуж/мкл	768±34.9	701±31.8	712±32.3	515±23.4*	756±21.6	604±17.2	783±22.4	504±14.4*
IgG, 7,0–16,0 г/л	20,20±0.9	18.7±0.85	19.9±0.9	16.3±0.7*	19.7±0,56	18.8±0,53	19.9±0.56	15.7±0.4*4
IgA, 0,7–4,0 г/л	4.8±0.21	4.1±0.18	4.7±0.21	3.3±0.15*	4.6±0.02	3.9±0.11	4.9±0.14	2.5±0.07*
IgM, 0,4–2,3 г/л	3.5±0.16	3.2±0,14	3.4±0.15	2.1±0.09*	3.4±0,920.09	2.9±0.08	3.5±0.1	1.9±0.05*
Изох	*p<0.05 Қиёсий гуруҳ -1 ва Асосий гуруҳ -1 га нисбатан							

Юқорида биз иммуноглобулинлар синтезининг йўналиши ва босқичини баҳолаш учун асосий иммуноглобулинларнинг бир-бирига нисбатини таҳлил қилдик, бу В-хужайранинг бир синф иммуноглобулин синтезидан бошқасига ўтишини кўрсатади. Бизнинг таҳлилимиз назорат маълумотлари билан солиштирганда IgG ва IgA нинг IgM га нисбати ўсишини кўрсатди, бу ўткир ичак инфекцияси бўлган болалар гуруҳида IgG, IgA ва IgM нинг биров ўсиши билан намоён бўлди.

4.7-жадвал

Иммуноглобулинларнинг асосий синфларининг нисбатлари

Кўрсаткичлар нисбати	Соғлом болалар	Давогача бўлган бемор болалар	Анаъанавий даводан кейинги бемор болалар	Анаъанавий ва имунотерапиядан кейинги
----------------------	----------------	-------------------------------	--	---------------------------------------

				бемор болалар
IgG : IgM	0,88	0,9	0,93	0,67
IgA : IgM	0,8	1,14	1,10	1,03

Даволашдан кейин ўтказилган иммуноглобулинлар даражасининг қиёсий таҳлили ИгГ ва ИгА синтезининг пасайишида ифодаланган характерли ўзгаришларни аниқлади. Ушбу натижалар яллиғланиш жараёнининг пасайишини аниқ кўрсатади, бу эса терапиянинг самарадорлигини тасдиқлайди. Шу билан бирга, анъанавий терапиядан кейин сезиларли ўзгаришлар қайд этилмади, иммунокоррекцияловчи терапиядан кейин иммуноглобулинлар кўрсаткичлари физиологик меъёрга яқинлашди. Шундай қилиб, асосий гуруҳ болаларида даволанишдан сўнг периферик қон зардобда В-лимфоцитлар даражасининг меъёрлашиши, шунингдек, асосий иммуноглобулинларнинг асосий кўрсаткичларининг барқарорлашиши кузатилди, бу иммун мувозанатнинг тикланиши ва яллиғланиш фаоллигининг пасайишидан далолат беради. Лимфоцитларнинг эрта ва кеч фаоллашуви маркерларининг (CD25+ ва CD95+) даволашдан кейинги ҳолати 4.8-жадвалда интерлейкин-2 (CD25+) ва FAS/APO-1 (SD95+) ретсепторларини экспрессияловчи лимфоцитларнинг миқдорий таҳлили маълумотлари келтирилган. Бу ретсепторлар лимфоцитларнинг физиологик апоптозини идора этишда муҳим роль ўйнайди. Олинган натижалар даволашдан кейин болаларда лимфоцитларнинг эрта (CD25+) ва кеч (SD95+) фаоллашуви маркерларининг ҳолати терапиянинг иммун жараёнларга ижобий таъсирини акс эттиришини аниқлаш орқали иммун тизимининг фаоллашуви динамикасини баҳолаш имконини беради.

4.8-жадвал

Даволанишдан кейин лимфоцитлар фаоллашуви белгиларининг қийматлари ($M \pm m$)

Иммунологик параметрлар	Давоғача (n=114)	Анъанавий терапиядан кейин(n=57)	Иммунокорригирловчи терапиядан кейин (n=57)
CD25+, 5–10%	22,40±0,60	21,96±0,92	19,6±0,66*
CD25+, 50–150 хуж/мкл	425,7±14,1	318,2±24,4	208,1±31,2*
CD95+, 10–20%	21,72±0,63	20,80±0,62	19,15±0,54*
CD95+, мкл 50–200 хуж/мкл	395,7±19,0	372,7±15,9*	319,0±16,2*
Изох	*(p<0,05) анъанавий даво муолажасини олган гуруҳга нисбатан		

Даволанишдан кейин асосий болалар гуруҳидаги фаоллаштирилган CD25+ лимфоцитларининг нисбий ва мутлақ қийматларини таҳлил қилиш даволанишдан олдинги болалар гуруҳининг қийматлари билан солиштирганда сезиларли фарқлар кузатилди. Даволанишдан кейин CD25+ кўрсаткичлари камайди, бу табиий равишда лейкоцитоз билан кечадиган аниқ яллиғланиш жараёнининг мавжуд эмаслиги билан боғлиқ. Анъанавий терапиядан сўнг олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатдики, лимфоцитлардаги CD25+ маркерлари иммунокорректив терапиядан сўнг сезиларли даражада фарқ қилди.

Даволанишдан кейин асосий гуруҳдаги болаларда кеч фаоллашув белгилари - CD95+ таҳлили сезиларли фарқларни аниқламади. Биз апоптоз белгиларини ташувчи лимфоцитлар таркибини нормаллаштиришга қараганда маълум бир тенденцияни кузатдик, бу биров ошди. CD95+ нинг мутлақ қийматларини таҳлил қилиш ҳам сезиларли фарқни аниқламади.

Шундай қилиб, даволанишдан кейин сурункали вирусли гепатит В фониди ривожланган ўткир йирингли ўрта отит билан оғриган (асосий

гурухда) болаларда хужайрали иммунитет реакцияси Т-хужайра иммунитетининг нормаллашиши, шунингдек, гуморал ҳимоя омиллари ва патологик жараёнларнинг ривожланиши, курси ва прогнозида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган фаоллаштирилган лимфоцитлар ҳолати билан тавсифланади, булар аниқ яллиғланиш жараёни бўлган болалардаги жараёнлардир.

Даволашдан кейин, сурункали вирусли гепатит В фонида ривожланган ўткир йирингли ўрта отит билан оғриган бемор болаларнинг цитокин профили

Сурункали вирусли гепатит В фонида ривожланган ўткир йирингли ўрта отит билан оғриган бемор болаларда даволанишдан сўнг цитокин профилини ўрганиш касалликнинг кечишига табиий равишда таъсир кўрсатадиган цитокинлар даражасида сезиларли номуносивбликни кўрсатди.

Шундай қилиб, касалликнинг энг юқори чўққиси фонида даволашдан олдин ИФН-γ даражаси $82,80 \pm 25,07$ пг / мл ни ташкил этди, бу қиёсий гурухидан сезиларли даражада фарқ қилди. Терапиядан сўнг бу кўрсаткич $21,93 \pm 5,28$ пг/мл ни ташкил этди, бу ҳам даволанишдан олдинги қийматлардан сезиларли даражада фарқ қилди (жадвал 4.9).

4.9-жадвал

Даволанишдан кейин болаларда цитокин профилининг хусусиятлари, ($M \pm m$)

Кўрсаткичлар	Қиёсий гуруҳи (n=44)				Асосий гуруҳ (n=70)			
	ҚГ -1 Анағанавий даво		ҚГ -2 Анағанавий даво ва иммункоррекцияловчи даво		АГ -1 Анағанавий даво		АГ -2 Анағанавий даво ва иммункоррекцияловчи даво	
	давогча	Даводан кейин	давогча	Даводан кейин	давогча	Даводан кейин	давогча	Даводан кейин

ИФН-γ. 5–25 пг/мл	82,8±1. 9	42,8±0. 9*	81.7 ±3.7	27.8± 1.3**	80.9 ±2.3	41.6± 1.2	81,8±2. 3	23,7±0. 7**
ИЛ-4, 5 пг/мл	26,1±1. 9	22,6±1. 4	25.9 ±1.2	11±0. 5**	25.7 ±0.7	21.5± 0.6	25,1±0. 7	10,0±0. 3**
Изох	<i>*p<0.05, ** p<0.01 қиёсий гурух -1, асосий грух -1 га нисбатан</i>							

Даволанишдан кейин ИЛ-4 даражасини ўрганиш даволанишдан олдин ва кейин болаларнинг қийматлари ўртасида сезиларли фарқ борлигини аниқлади. Шу билан бирга, иммунокорректив дори билан даволашдан олдин ИЛ-4 даражаси $86,1 \pm 25,7$ пг/мл ни ташкил этган бўлса, даволашдан кейин бу кўрсаткич $52,0 \pm 15,1$ пг/мл ни ташкил этди. ИФН-γ ни ўрганишда биз бу кўрсаткич иммунокорректив қўлланилган гурух кўрсаткичларидан сезиларли фарқ аниқланди. ИФН-γ даражаси нормаллашишини аниқланди, аммо ИЛ-4 даражаси сезиларли даражада камайди. Бундан ташқари, анъанавий терапиядан сўнг беморлар гуруҳида ИФН-γ нинг бостирилиши кузатилди, аммо бу кўрсаткич назорат даражасига тушмади. Бу яна бир бор иммунокоррекциядан фойдаланмасдан анъанавий терапия фонида давом этган яллиғланиш жараёнининг мавжудлигини тасдиқлайди. ИЛ-4 иммунокоррекцияни қўллашдан кейин болалар гуруҳидаги кўрсаткичлардан сезиларли даражада фарқ қилмади, аммо ИЛ-4 меъёрий қийматларга камаймаганлиги ҳам кузатилди.

Юқорида ИФН-γ / ИЛ-4 нисбатини таҳлил қилганда, бу яллиғланиш олди ва яллиғланишга қарши цитокинлар ўртасида номутаносиблик мавжудлигини кўрсатди. Даволанишдан кейин бир хил нисбат таҳлилинини ўтказилди ва бу нисбат яллиғланишга қарши цитокиннинг кўпайиши фойдасига сақланиб қолганлигини аниқланди. Яллиғланиш жараёни асосий гурух болаларида иммунокорректорлар билан даволанишдан олдин бу кўрсаткич 0,96 ни ташкил этди. Асосий гурух анъанавий давога қўшимча равишда иммунокоррекцияловчи даво чораларини олган бемор болаларда АГ

1 ва қиёсий гуруҳ бемор болаларга нисбатан ижойбий динамика кузатилди, даволаш самарадорлиги юқори бўлди.

Жигар касаллигининг асосий ўзига хослиги иммун тизими, биринчи навбатда Т- хужайравий халқани яллиғлантиришидир. Шубҳасиз, CD4+ лимфоцитларнинг кам миқдори иккиламчи инфекцияларга чидамлиликини пасайтиради. Бу ўзида ноадекват иммунологик жавобни акс эттиради ва инфекцияли жараёнлардан ҳимоялашга ёрдам беради.

Сурункали вирусли гепатит В фонида ривожланган ўткир йирингли ўрта отит билан зарарланишда болаларда касаллиқнинг ривожланиши Т- ва В-хужайравий иммун танқислигини чуқурлаштиради ва CD4+ хужайра ва IL-2 ва CD95+ апоптоз омилларига CD25+ рецепторлари сони танқислиги билан пайдо бўлувчи Т-лимфоцитлар иммун бошқарувчи субпопуляция иммунтанқислиги билан кузатилади. Цитокин профил ҳолатини қиёсий таҳлили, Сурункали вирусли гепатит В фонида ривожланган ўткир йирингли ўрта отит билан оғриганда аниқ яллиғланиш жараёнларининг мавжудлиги яллиғланишга қарши цитокинларнинг тезкор кўтарилишига олиб келишини кўрсатди.

Сурункали вирусли гепатит В фонида ривожланган ўткир йирингли ўрта отит билан оғриган болаларда даволашдан кейинги иммун тизимининг кўрсаткичлари 4.10-жадвалда келтирилган.

4.10-жадвал

Сурункали вирусли гепатит В фонида ривожланган ўткир йирингли ўрта отит билан оғриган бемор болаларда даволашдан кейинги иммун тизимининг кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Қиёсий гуруҳ				Асосий гуруҳ			
	ҚГ -1 Анағанавий даво		ҚГ -2 Анағанавий даво ва иммункоррекц ияловчи даво		АГ -1 Анағанавий даво		АГ -2 Анағанавий даво ва иммункоррекц ияловчи даво	
	давога ча	Давода н сўнг	давога ча	Давода н сўнг	давога ча	Даводан сўнг	давога ча	Давода н сўнг

T(CD3), 55–70%	41,2±1.9	49.7±2.2	41.7±1.9	53.17±2.4*	42.01±1.2	50.13±1.4	41.9±1.2	54.9±1.5*
T(CD3), 1000–1800 хуж/мкл.	801.12±36.4	879.03±25.1	811.03±36.8	1017±46.2*	807,6±23.1	914,3±26.1	806.15±0.2	1000.1±28.6*
Tх(CD4), 30–45%	21.1±0.9	23.4±1.06	21.7±0.9	29.6±1.3*	18,8±0.5	22,4±0,64	18.6±0.5	29.8±0.8*
Tс(CD8), 20–30%	39.6±1.8	38.1±1.7	39.7±1.8	29.8±1.3*	44,2±1,3	34.7±0.9	43.9±1.2	29,5±0.8**
ИРИ (CD4/CD8) 1,5–2,5	1.01±0.04	1.8±0.08	1.1±0.05	2.5±0.11**	1,64±0,05	1,81±0,05	1.12±0.032	2.7±0.01*
Тк (CD16), 5–15%	18.21±0.8	15.9±0.7	18.03±0.8	15.01±0.7*	18.1±0.5	16,2±0,4	18,4±0.5	15.3±0.4*

*Изох: *p<0.05, **p<0.01 ҚГ – I ва АГ – I га нисбатан*

Муолажа таъсирида ИФН-γ цитокинлар кўрсаткичларининг ошиши кузатилди. Бироқ, таъкидлаш керакки, IL-4 миқдорининг ўзгариши яллиғланиш олди ва яллиғланишга қарши цитокинларнинг миқдорий бузилиши ва гименолепидоз юқтириш оқибатида оғир асоратларга олиб келувчи олдиндан иммун танқислиги ҳолати мавжудлигини исботлайди.

Сурункали вирусли гепатит В фонида ривожланган ўткир йирингли ўрта отит билан оғриган болаларни даволаш алгоритми – беморларнинг ёшига қараб тавсия берилади ва натижада сурункали вирусли гепатит В фонида ривожланган ўткир йирингли ўрта отит билан оғриган болаларни даволаш самарадорлигини оширишга ва асосий касаллик натижасида юзага келадиган қайтмас асоратларни олдини олиш имконини беради. Сурункали вирусли гепатит В фонида ривожланган ўткир йирингли ўрта отит билан оғриган бемор болаларни анъанавий даволаш мажмуига иммун иммунокоррекцияловчи дори воситасининг киритилиши касалликнинг кечиши, унинг клиник кўринишларининг пасайишига, организмнинг иммун ва цитокин статусларидаги иккиламчи иммунодефицитни бартараф этишга, ҳамда бу кўрсаткичларнинг меъёрлашувига олиб келди. Ушбу бемор болаларни даволаш бўйича ишлаб чиқилган алгоритм тавсия этилган

мажмуавий даво чораларини оптималлаштириш ва даволаш самарадорлигини ошириш имконини беради.

ХОТИМА

Сурункали вирусли гепатит В асосида болаларда учрайдиган ўткир ўрта отитлар оториноларингология соҳасидаги энг жиддий ва ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолардан бири сифатида тавсифланади. Бу касалликнинг тарқалиши, унинг болалар соғлиғига кўрсатаётган жиддий таъсири ва асоратлари нафақат тиббиётнинг, балки ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг ҳам марказида турибди. Замонавий тиббиётдаги илмий тадқиқотлар ва технологиялар тараққиётига қарамасдан, мазкур патологияни эрта аниқлаш, уни даволаш ва профилактикаси борасида ечимини кутаётган масалалар кўпчиликти ташвишга солиб келмоқда. Сурункали вирусли гепатит В (СВГВ) глобал миқёсда энг кенг тарқалган ва жиддий оқибатларга олиб келувчи сурункали касалликлардан бири бўлиб, унинг нафақат тиббий, балки ижтимоий жиҳатлари ҳам долзарб аҳамият касб этган. Айниқса, СВГВ фонида болаларда ўткир ўрта отитларнинг пайдо бўлиши ва унинг асоратлари жуда жиддий ва мураккаб ташхис-даволаш тизимини талаб этади. Ушбу муаммога илмий ва амалий ёндашувларни чуқурлаштириш болалар саломатлиги ва жамият учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, уни тизимли ўрганиш ва инқилобий ёндашувларни ишлаб чиқиш заруратини юзага келтирмоқда.

Халқаро гепатологлар Федерацияси (ХДФ) маълумотларига кўра, 2020 йилда сурункали вирусли гепатит В билан оғриган болалар сони 104 миллионга ошган, 2022 йилда эса бундай бемор болалар 108 миллион кишига етган. Ҳозирги кунда сурункали вирусли гепатит В дунё бўйлаб ўлим кўрсаткичлари орасида етакчи 6 ўринда туради. Ушбу касаллик жигарни ва бошқа ҳаётий органларни зарарлаб, болаларнинг жисмоний ўсишига ва ривожланишига жиддий таъсир кўрсатади. Шунингдек, у ўткир ўрта отитнинг клиник кўринишини ўзгартириб, касаллик кечишини оғирлаштиради ва оқибатда менингоэнцефалит каби хавфли асоратлар ривожланиш эҳтимолини оширади.

Бир қатор манбаларда жигарнинг сурункали касалликларининг ўрта кулоқнинг патологияси билан боғлиқлиги, ҳамда инфекция жараённинг

организмнинг барча орган ва тизимларга таъсири таъкидлаб ўтилган. Ўрта кулоқ инфекцияларининг жигарнинг функционал ҳолатига таъсири, хусусан ўткир вирусли гепатит А патологиясида кузатилиши таъкидланган. Умумий қилиб олинганда, сурункали вирусли гепатит Внинг ўрта кулоққа таъсир қилишининг патогенетик кечиши ва клиник кўриниши бугунги кунгача тўлиқ ўрганилмаган.

Адабиётлар маълумотларига кўра, СБГВда нафақат жигар тўқималари, балки иммунитет комплексларини индукция қилиш ёки кўпинча касалликнинг клиник кўринишидан олдинда бўлган аутоиммун жараёнларнинг ривожланиши билан боғлиқ бўлган турли жигардан ташқари аъзоларнинг зарарланиши кузатилади. СБГВи бўлган болаларни ўз вақтида аниқлаш ва эрта даволаш чора-тадбирларини амалга ошириш, кутилаётган асоратларнинг ривожланишини камайтиришга ёрдам беради, бу эса касалликнинг ижобий оқибатига олиб келиши мумкин.

Сўнгги пайтларда СБГВ касаллиги натижасида ривожланадиган ўткир ўрта отитларнинг олдини олиш ва назорат қилиш жуда кўп эътиборни талаб қилади, шунинг учун бу касалликни даволаш муаммоси катта аҳамиятга эга. СБГВ касаллиги натижасида ривожланадиган ЛОР аъзолари касалликларини даволаш ҳозирги вақтда болаларда зарарсиз, жигар учун кам токсик ва самарали препаратларни излашни талаб қилади. Ҳозирги вақтда болаларда ўткир ўрта отитларни бошқа бошқа соматик касалликлар билан биргаликда даволашнинг мавжуд консерватив усуллари патогенетик жиҳатдан етарли даражада ишлаб чиқилмаган, чунки улар инфекцияни тўлиқ йўқотмайди балки инфекцион жараённинг тананинг бошқа аъзо ва тизимларига йўналтиради.

Энг кўп илмий ишлар СБГВ+ЎЎО комбинациясидан келиб чиққан патологик жараёнга бағишланган бўлиб, кўпинча мавжуд бўлган маълумотлар бир-бирига қарама-қарши ва мураккабдир. СБГВ + ЎЎОнинг қўшма инфекциясига келсак, бу муаммо деярли кам ўрганилган. СБГВ фонида ривожланган ўрта кулоқнинг ўткир яллиғланиши бўлган болаларда касалликнинг клиник ва биокимёвий хусусиятлар ва уларни даволаш

тамойиллари бугунги кунгача тўлиқ ўрганилмаган, шунинг учун ушбу муаммоларни ҳал қилиш энг катта аҳамиятга эга бўлиб ва кейинги изланишларни талаб қилади.

Мамлакатимизда бугунги кунда аҳолининг турли қатламлари ўртасида соматик касалликларни эрта аниқлаш ва асоратларни олдини олиш, болалар ўртасида соғлом муҳит яратиш, сурункали вирусли гепатит В натижасида ўрта кулоқ касалликлари тарқалишининг олдини олиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ушбу вазифаларни бажариш учун ушбу диссертация тадқиқотлари аҳолининг турли қатламлари аёлларининг репродуктив саломатлигини яхшилаш, оналар ва болалар ўлимини камайтириш, профилактика чораларини ишлаб чиқишда замонавий технологиялардан фойдаланишни такомиллаштириш орқали ногиронлик ва ўлим ҳолатларини камайтиришга ёрдам беради. Болаларда сурункали вирусли гепатит В фонида ривожланадиган ўрта кулоқнинг ўткир йирингли яллиғланишининг клиник кўринишларининг ёшга боғлиқ ҳолда кечишида иммун тизимининг даво чоралари ва эрта реабилитация усуллариинг етишмаслиги ушбу тадқиқотнинг долзарблиги ҳақида далолат беради.

СВГВ фонида ривожланган ўткир йирингли ўрта отит билан касалланган бемор болаларнинг клиник ва лаборатория тадқиқотлари Бухоро Вилояти болалар қўп тармоқли тиббиёт марказининг ЛОР-бўлимида, вилоят юқумли касалликлар шифохонаси гепатология бўлими ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Иммунология институти ва инсон геномикаси лабораторияларида ўтказилган.

Ушбу вазифаларни ҳал қилиш учун биз ВБКТТМ клиникасининг ЛОР бўлимида ҳамда вилоят юқумли касалликлар шифохонаси гепатология болалар бўлимида 2021-2023 йилларда даволанган 700 нафар беморни ретроспектив ва перспектив таҳлил қилинган. Улардан 460 нафари қишлоқ жойларида, 240 нафари шаҳар шароитида яшайди.

Шулардан, мазкур диссертация иши бўйича маълумотлар Бухоро вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ЛОР бўлимида ҳамда вилоят вилоят юқумли касалликлар шифохонаси гепатология болалар бўлимида СВГВ фонида ривожланган ўткир йирингли ўрта отит ташҳиси билан даволанган 114 нафар беморларда олиб борилган, бу беморлар асосий гуруҳни ташкил этган. Касалликнинг кечиши давомийлиги беморлар анамнезидан 6 ойдан 5 йилгача бўлган муддатни ташкил қилган. Беморларнинг барчаси консерватив даво муолажаларини олган.

Ўтказилган илмий тадқиқотларга жалб қилинган 114 нафар бемор болалар 3 ёшдан 18 ёшгачани ташкил этиб, улар 2 гуруҳга бўлинган, асосий $n=70$ ва қиёсий гуруҳи $n=44$ нафардан иборат. Бемор болаларнинг 30 нафари (26,4%) қиз болалар бўлиб, 84 нафарини (73,6%) ўғил болалар ташкил этди, шундан асосий гуруҳда қиз болалар $n=16$ (53,3%), ўғил болалар $n=60$ (71,4 %) нафар, қиёсий гуруҳида эса қиз болалар $n=14$ (46,6%), ўғил болалар $n=24$ (28,6 %) нафарни ташкил қилган. Юқорида келтирилганлардан кўриниб турибдики, ўткир йирингли ўрта отит билан касалланиш ўғил болаларда қиз болаларга нисбатан 2,5 марта кўп учради. Бу кўрсаткич ёш ошган сари ҳам бир бирига пропорционал ошиб борди .

Кузатувга олинган барча болалар чуқур клиник, лаборатор, биокимёвий, оториноларингологик ва иммунологик текширувлардан ўтказилди. Улардаги шикоятлар, ҳамроҳ касалликлар, касалликнинг келиб чиқиш сабаблари, давомийлиги ва даволашнинг бошланғич босқичларида кўрилган чораларнинг натижадорлиги таҳлил қилинди. Иммунологик реактивликни динамикада баҳолаш учун 50 нафар бемор бола танлаб олинди: улардан 24 нафари ўткир йирингли ўрта отитни стандарт усулларда даволашган бўлса, 26 нафарига эса анъанавий даволаш усулига қўшимча равишда иммуностимуляция қўлланилган.

Тадқиқот доирасида 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган бемор болалар биринчи к/гуруҳга ажратилди, улар сони 34 (29,8%) нафарни ташкил этди. Шу билан бирга, 8 ёшдан 12 ёшгача бўлган бемор болалар иккинчи к/гуруҳга киритилди,

бу гуруҳ 59 (51,8%) нафар иштирокчилардан иборат бўлди. Учинчи к/гуруҳ эса 13 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларни қамраб олган бўлиб, уларнинг умумий сони 21 (18,4%) нафарни ташкил этган.

Ушбу маълумотлар асосида болаларнинг ёш ва жинс хусусиятлари ҳар томонлама таҳлил қилинди. Олинган натижаларга кўра, умумий текширилган болаларнинг (55,3%) ни ўғил болалар ташкил этган бўлса, (44,7%) қиз болалардан иборат бўлган. Қайд этиш лозимки, ҳар бир ёш гуруҳида ўғил болалар сони қиз болаларга нисбатан кўпроқ қайд этилган.

СВГВ фонида ривожланган ЎЎО билан оғриган бемор болаларда преморбид фон ўрганилганда, 112 нафар бемор болаларда анемия аниқланиб, шунингдек тез-тез учрайдиган йўлдош касалликлардан гипотрофия – 28 (%) нафар, эксудатив-катарал диатез – 23 (%) нафар, чала туғилиш – 19 (%) нафар, паратрофия – 16 (%) нафар ва ирсий касалликлар – 12 (%) нафар болаларда кузатилган.

СВГВ фонида ривожланган ЎЎОнинг яллиғланиш шаклига ва унинг намоён бўлишини таҳлил қилганда, кўп ҳолларда (62,3%) бемор болаларга ЎЎОнинг катарал шакли аниқланди. Шу билан бирга, ЎЎОнинг катарал шаклининг ярмидан кўпи 2-чи к/гуруҳида 37 (52,1%) нафар болаларда қайд этилган. Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, назорат остига олинган болаларда ўткир ўрта отитнинг ноғора парданинг тешилгунгача (80% гача) даври аниқланган.

Барча назорат остидаги бемор болалар, ёшидан қатъий назар, антибактериал (бактокс, ҳиконцил, амоксиклав ва ампиокс), яллиғланишга қарши, инфузион ҳамда ўткир ўрта отитнинг катарал ва ноғора парданинг тешилгунгача босқичида маҳаллий даволаш (мураккаб кулоқ томчилари, аурисан, отизол, борат кислотаси, ҳамда ўткир ўрта йирингли отитларда эса мураккаб аралашмаси учун - диоксидин, гидрокортизон, нафтизин) буюрилган, ташқи эшитув йўлида ҳар кунлик ишлов бериш амалга оширилган, шу билан биргаликда, ўрта кулоққа дори воситаларини транстимпанал юбориш ва ташқи эшитув йўлига дорили пликчаларни қўйиш амалга

оширилган. СВГВ фонида ривожланган ўрта кулоқдаги аниқ яллиғланиш жараёни бўлганда ҳамда ногора пардада қизариш, шиш жараёни кучли ривожланган бўлса, оғриқ ва организмда кучли интоксикация ривожланганида тимпанопункция ва парацентез манипуляцияси амалга оширилган.

Кўрсатмага асосан, лимфатроп терапия (0,5 мл 30% линкомицина 0,5% новокаин билан аралаштирилиб сўргичсимон соҳага) ўтказилган. Олд риноскопия пайтида бурун бўшлиғи шиллиқ қаватининг ҳолатига, бурун тўсиғига эгрилик мавжудлигига, бурун тўсиғи соҳасига дўнглик ва шип мавжудлигига, полипларга, қасноқларга, эркин йирингли ажралмага, шунингдек бурун чиғаноқларининг ҳолати ва ҳажмига эътибор қаратилди. Ўрта ва юқори бурун йўлларида йирингли ажралмага алоҳида эътибор берилди. Орқа риноскопия пайтида биз ҳалқум безларнинг ҳолати, бурун чиғаноқларининг орқа учлари, полипларнинг мавжудлиги, шиллиқ ва йирингли ажралмага ҳамда хоаналарнинг ўтказувчанлигига эътибор қаратилган.

Асосий гуруҳдаги 70 нафар беморлар анъанавий давога қўшимча равишда комплекс даво чораларидан фойдаланишди, балки ушбу гуруҳнинг ўзига хос хусусияти сифатида иммун тизимини мувофиқлаштирувчи «Иммун-5» препарати қўшимча равишда қўлланилди. Бу препаратни даво жараёнига қўшиш асосий гуруҳнинг терапевтик натижаларини яхшилашга қаратилган бўлиб, илгариги гуруҳларда қўлланилмаган қўшимча хусусият сифатида ажралиб туради.

Ҳар бир беморга Иммун-5 дори воситасини 7 мг миқдорда тавсия этиш режалаштирилди. Препарат кундалик равишда, нонуштадан аввал қабул қилиниши белгиланди. Дори капсула кўринишида тақдим этилди ва беморлар уни кунига бир марта, давомли 10 кунлик курслар шаклида қабул қилдилар. Ушбу курслар 3 ой давомида маълум интерваллар билан такрорланиб, ҳар ойда дорини қабул қилиш кунлари эҳтиёткорлик билан мувофиқлаштирилди. Даво давомида беморларда деярли ножўя таъсирлар қайд этилмади.

СВГВ фонида ривожланган ЎЎО билан оғриган бемор болаларда ўткир отитнинг бирламчи клиник белгиларининг пайдо бўлиш вақтини таҳлил қилганда (3.1-жадвал) 91 (79,8%) ҳолларда ўрта кулоқнинг яллиғланиш белгиларининг зўрайиши стационарга ётқизилгандан кейин 3 - 7 кунларда аниқланди, 23 нафар бемор болаларда эса (20,4%) ўрта кулоқнинг яллиғланиш белгиларининг зўрайиши стационарга ётқизилгандан кейин 7-10 кунларда аниқланди. Ёш кичик гуруҳлари бўйича ЎЎО нинг бирламчи клиник белгиларининг пайдо бўлиш вақтини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, 1-кичик гуруҳда беморларнинг 29,4 %да ЎЎО клиник белгиларининг намоён бўлиши 3 кунгача бўлган.

3 кундан 7 кунгача бўлган даврда ўрта кулоқ яллиғланиши белгиларининг пайдо бўлиши энг кўп 2 ва 3 к/гуруҳларида қайд этилган бўлиб, улар мос равишда 86,4% ва 90,5% ни ташкил қилган. ЎЎО клиник белгиларининг кечроқ намоён бўлиши энг кўп 1- к/гуруҳида қайд этилган- 8,8% ҳолларда. Ўрта кулоқнинг ўткир яллиғланишининг бирламчи клиник белгиларининг пайдо бўлиши биринчи ёш кичик гуруҳида, безовталиқ, кулоқда оғриқ, кулоқдан йиринг оқиши кўринишида намоён бўлади. 2 ва 3-кичик гуруҳларда ўрта кулоқ ўткир яллиғланишининг клиник белгилари 3-кундан кейин пайдо бўлган. Тадқиқот гуруҳида СВГВ фонида ривожланган ЎЎО билан касалланган 114 нафар бемор болаларнинг 22 (19,2%) нафарига кўрсатма асосида тимпанопункция ўтказилди. Тимпанопункция қилинган 22 нафар болада 13 (59,1%) нафар боладан тимпанопункция пайтида йирингли пунктат олинган, 7 (31,8%) нафар боладан экссудат олинган ва 2 (9,1%) нафар болада мирингит ҳолати аниқланган. Тимпанопункциядан кейин юқоридаги бемор болаларга тегишли терапия ўтказилган.

Микробиологик тадқиқотларга кўра, ўрганилаётган гуруҳларнинг ўрта кулоқдаги патологик жараённинг асосий қўзғатувчиси *St. aureus* бўлиб, бу беморлар умумий сонининг 32 (50,8%) нафарини ташкил қилади. 7 (11,1%) ҳолларда патологик жараённинг қўзғатувчиси *Citrobacterium* бўлиб, 8 (12,7%) ҳолларда *Escherichia coli* ташкид этди. *Pseudomonas aeruginosa* 6 (9,5%) дан ортиқ

холларда ўткир ўрта отитнинг келиб чиқишининг сабабчиси бўлган. 4 (6,3%) холларда бактериологик тадқиқот натижалари манфий бўлган, бу антибиотиклардан илгари фойдаланилганлигидан (амбулатория шароитида) ёки ЎЎОнинг келиб чиқишига анаэроб флора ёки вирусли инфекция бўлиши мумкин бўлган. Асосий ва назорат гуруҳларини микробиологик текшириш натижаларини қиёсий таҳлил қилишда *St. aureus* устунлик қилди ва асосий гуруҳда у 18 (51,4%), назорат гуруҳда эса мос равишда 14 (50,0%) ни ташкил этган. Асосий гуруҳда *Citrobacterium* 4 (11,4%)ни ташкил этган бўлса, қиёсий гуруҳидаги ўзига хос таркиби 3 (10,5%) ни ташкил этган. Асосий гуруҳдаги 5 (14,3%) нафар беморда ва назорат гуруҳидаги 3 (10,7%) нафар беморларда ўрта қулоқдаги патологик жараённинг қўзғатувчиси *Escherichia coli* бўлган, қолган аниқланган микроорганизмлар гуруҳларда фоизда биров фарқ қилади.

Барча тадқиқотдаги бемор болалар ёши ва интоксикация даражасидан қатъи назар антибактериал, яллиғланишга қарши, инфузион, маҳаллий ҳамда умумий қувватни оширувчи терапия олдилар.

СВГВ фонида ривожланган ЎЎОларни маҳаллий даволашда ташқи эшитиш йўли ҳар кунлик ишлов берилди, дори-воситаларини транстимпанал юбориш ва ташқи эшитув йўлига пликчалар (катарал отит учун мураккаб қулоқ томчилари, аурисан, отизол, борат кислотаси ва йирингли отит учун мураккаб аралаш - диоксидин, гидрокортизон, нафтизин) қўлланилган. Ўрта қулоқдаги кучли яллиғланиш жараёни ,ноғора пардада шиш,қизариш борлиги, кучли оғриқ синдроми кузатилган бемор болаларда тимпанопункция кўрсатма асосида амалга оширилган. Кўрсатмага асосан, сўрғичсимон ўсиқ соҳасига 0,5 мл 30% Линкомицин -0,5% новокаинга эритилиб лимфотроп терапия ўтказилди. Бурун ёндош бўшлиқлари Проец усулида алмашлаб ювилган.

Жарроҳлик амали (антротомия) 5 нафар болада ўтказилган. Бу СВГВ фонида ривожланган ўткир йирингли отитнинг асорати субпериостеал хўппозларнинг ривожланганлиги сабабли эди. Операция барча беморларда умумий оғриқсизлантириш остида амалга оширилган. Операция давомида антрал бўшлиққа грануляциялар, 2 нафар болада – антрал бўшлиқ ғор

деворларига кариер жараёни аниқланган.Юқорида айтиб ўтилган мураккаб анъанавий даволаниш фонида асосий гуруҳнинг бемор болаларига (50 нафар бола) иммунокорригирловчи препарат Иммун-5 буюрилган.

Қиёсий гуруҳига (64 нафар бола) анъанавий комплекс консерватив терапия ва ўткир ўрта отитни маҳаллий даволашни ҳам олдилар. Кўрсатмаларга кўра, лимфотроп терапия, бурун ёндош бўшлиқларини Проец усулида алмашлаб ювиш амалга оширилган.

Қиёсий гуруҳида тана ҳароратининг меъёрлашуви $2,8 \pm 0,2$ 2 кундан 6 кунгача бўлган тебранишлар диапазони билан, асосий гуруҳда бу кўрсаткич $1,7$ кундан паст бўлган, бу қиёсий гуруҳининг кўрсаткичидан сезиларли даражада фарқ қилади ($P < 0,05$).Текширилган беморларнинг қиёсий гуруҳида уйқунинг меъёрлашуви $3,0 \pm 0,2$ ва асосий гуруҳда $2,7 \pm 0,1$ гуруҳлар ўртасидаги фарқлар $0,3$ кунни ташкил этди ($P > 0,05$). Бездовталиқ ва беморнинг йиғлашида шубҳасиз фарқ бор, бу ерда назорат ва асосий гуруҳ ўртасидаги фарқ $3,4$ кунни ташкил қилади, гуруҳлар ўртасидаги фарқлар сезиларли ($P < 0,05$). Ўрта қулоқ яллиғланиши жараёнида Пинса ва Vacher симптомлари характерлидир, бу кўрсаткичга кўра, гуруҳлар орасидаги фарқ $2,3$ кунни ташкил қилади, гуруҳлар орасидаги фарқлар сезиларли ($P < 0,05$).

Ушбу тоифадаги беморларда қусиш рефлексининг тўхташи қиёсий гуруҳида ўртача $3,2 \pm 0,09$ кун давомида кузатилган, индивидуал қийматлар оралиғи 1 кундан 5 кунгача ва $1,7 \pm 0,08$ кун ($P < 0,05$). Ўрта қулоқдаги яллиғланиш жараёнининг камайиши (оғрик, шишиш, гиперемия) қиёсий гуруҳидаги беморларда ўртача $6,6 \pm 0,1$ кун давомида содир бўлган ва иккинчи гуруҳ беморларида бу кўрсаткич $5,1 \pm 0,09$ кун, гуруҳлар орасидаги фарқ $1,5$ кунни ташкил этди. Гуруҳлар орасидаги фарқлар сезиларли ($P < 0,05$). Даволаш самарадорлигини тавсифловчи асосий кўрсаткич беморларнинг касалхонада қолиш муддатини . Ушбу кўрсаткичга кўра, ўрганилган гуруҳлардан энг яхши натижалар асосий гуруҳ беморларида олинган. Ушбу гуруҳда индивидуал даволаш вақти 5 дан 10 кунгача бўлган, ўртача қиймати $7,2 \pm 0,1$ кун ва қиёсий

гурухидаги беморларда бу кўрсаткич асосий гуруҳга нисбатан 2,4 кунга юқори бўлиб, $9,5 \pm 0,1$ кун 7 дан 14 кунгача тебраниш билан асос. Гуруҳлар орасидаги фарқлар сезиларли эди ($P < 0.05$).

Шундай қилиб, бемор болаларда сурункали вирусли гепатит В фонида ривожланган ўткир ўрта отитнинг кечишида асосий касаллик ҳамда преморбид фон, бола организмидаги рактивлик ва иммун тизими фаолиятининг пасайишига олиб келган. Бу организмнинг интоксикациясини ривожланиши ва яллиғланишнинг инфекция марказидан бошқа органлар ва тизимларга, шу жумладан ўрта қулоққа ўтиши учун шароит яратади. СБГВ фонида ривожланган ўткир ўрта отитнинг ривожланишидаги клиник кечиш хусусияти касалликнинг клиник кечиш даражасига ҳамда ҳужайравий ва гуморал иммун тизимининг пасайиши билан характерланади.

Маълумки, ўткир яллиғланиш реакциялар ривожланишида иммунитетнинг ҳужайравий бўғини етакчи ўрин эгаллайди ва бу ерда Т-лимфоцитлар, Т-лимфоцитларнинг асосий субпопуляцияларининг нисбати асосий ўрин тутади.

СБГВ фонида ривожланган ЎЎО билан оғриган бемор болаларда иммунитетнинг Т-ҳужайравий қийматлар натижаларини таҳлил этиш орқали организмда ифодаланган инфекцион яллиғланиш жараёни бўлган бемор болаларда лейкоцитлар умумий сонининг ўртача миқдори қиёсий гуруҳ қийматларига нисбатан 1 баробар юқори экналигини кўрсатган.

Қондаги лейкоцитларнинг нисбий миқдори пасайишга мойил бўлган, лекин сезиларли фарқлар кузатилмаган. Иккиламчи ўрта қулоқда яллиғланиш бўлган болаларда лейкоцитлар сони ошганлиги кузатилгани туфайли лимфоцитларнинг абсолют қиймати қиёсий гуруҳига нисбатан ҳаққоний юқорироқ бўлган.

Иммун тизими Т-ҳужайравий бўғинининг таҳлили натижалари шуни кўрсатдики, СБГВ фонида ривожланган ЎЎО билан оғриган бемор болаларда CD3+ Т-лимфоцитларнинг нисбий миқдори қиёсий гуруҳи қийматларидан пастроқ бўлган. Масалан, қиёсий гуруҳида CD3+ қиймати $53,10 \pm 2,47\%$ ни ташкил этган, асосий гуруҳ болаларида эса ушбу кўрсаткич ўртача

47,40±1,05% ни ташкил этган, бу ҳаққоний фарқ қилган эди. Болаларнинг асосий гуруҳида Т-лимфоцитларнинг мутлақ қийматлари ўзаро ҳаққоний фарқланмаган.

Иммунитетнинг CD4⁺ ва CD4⁺ каби лимфоцитлар субпопуляцияларининг тавсифини ўз ичига олувчи Т-хужайравий бўғинининг субпопуляциявий таркибини таҳлил қилишда асосий гуруҳ болаларида Т-хелпер/индукторлар (CD4⁺) миқдорининг 1,2 баравар камайгани аниқланган. Болаларнинг асосий гуруҳида Т-хелперлар/индукторларнинг нисбий миқдори қиёсий гуруҳининг маълумотларига қараганда ҳаққоний тарзда пастроқ бўлган.

CD4⁺/CD8⁺ нисбатининг (иммунорегулятор индекси - ИРИ) таҳлили унинг қиёсий гуруҳининг кўрсаткичларига нисбатан ҳаққоний пасайишини кўрсатди ($P < 0,05$). Асосий гуруҳ болаларида ИРИ шахсий кўрсаткич-ларининг фарқи маълум даражада ўзгариб турган, лекин беморларнинг кўпчилигида ИРИ 1,0 дан пастроқ қийматларда бўлган. ИРИ нинг бундай ўзгариши CD8⁺ лимфоцитлар қийматининг ҳаққоний бўлмаган ўзгаришлари фонида CD4⁺ лимфоцитлари пасайиши ҳисобига кузатилган. Биз CD8⁺ лимфоцитлар сони қиёсий гуруҳининг қийматларида ҳаққоний фарқланмаганлигини аниқладик. Афтидан, бу болаларда иммунитет етишмаслиги ҳолати билан боғлиқ бўлган, ҳамда у инфекцион жараён мавжудлиги ҳамда патогенга номувофиқ жавоб бериш туфайли кучайган.

СВГВ фонида ривожланган ЎЎО билан оғриган бемор болаларнинг асосий гуруҳида CD25⁺ нисбий сонини таҳлил қилиш қиёсий гуруҳи қийматлари билан таққослашда жиддий фарқларни кўрсатган. Афтидан, лимфоцитларда CD25⁺ экспрессиясининг бундай пасайиши IL-2 нинг иммунитет жиҳатидан тўлақонли қон хужайралари етилишига етарли таъсир этмаслиги билан боғлиқ. Афтидан, асосий гуруҳга кирувчи болалар нафақат Т- ва В-лимфоцитларнинг миқдорий таркиби жиҳатидан, балки Т-лимфоцитлар ўсиши омилларининг, жумладан IL-2 нинг етишмаслиги жиҳатидан иммунитет етишмаслигига учраган.

Асосий гуруҳ болаларида кечки активация маркерлари CD95+ таҳлили яллиғланишли беморлар гуруҳидаги ҳаққоний фарқларни аниқлади. Бунда CD95+ лимфоцитларининг нисбий сони қиёсий гуруҳига нисбатан камайган эди ($p < 0,05$).

Яллиғланиш олди ва яллиғланишга қарши цитокинлар яллиғланиш жараёнларини назорат қилади. ИФН- γ ва IL-4 каби цитокинлар яллиғланиш ва иммун жавобларнинг амплитудаси ва давомийлигини тартибга солувчи ўзига хос иммун жавобни тартибга солишга иштирок этади.

ИФН- γ бу манбаси фаоллаштирилган Т-лимфоцитлар ва табиий киллерлар бўлиб ҳисобланади. Т-лимфоцитлар орасида яллиғланишга қарши цитокинларни ишлаб чиқарувчилари ҳам цитотоксик CD8+, ҳам хелпер CD4+ хужайраларидир, аммо улар Th1 ва Th2га дифференцияланганда фақат Th1 хужайралари яллиғланиш олди цитокинларни ишлаб чиқариш қобилиятини сақлаб қолади. Яллиғланиш олди цитокинининг энг муҳим вазифаси лимфоцитлар ва макрофлар ўртасидаги мунособатларни воситалик қилишда ва иммун жавобнинг хужайра ва гуморал компонентларининг нисбатларини тартибга солишга иштирок этишидир. Th1-хужайраларнинг асосий маҳсулоти бўлган яллиғланиш олди цитокини Th2-хужайраларнинг секретор фаоллигини пасайтиради. Шундай қилиб, яллиғланиш олди цитокини хужайра иммун жавобининг асосий цитокини ва гуморал иммун жавобнинг ингибитори бўлиб, иммунорегуляцияда муҳим урин тутлади.

ИФН- γ В-лимфоцитларни рағбатлантирувчи омил сифатида тавсифланган, чунки у В-хужайраларнинг кўпайишига олиб келади. IL-4нинг асосий ишлаб чиқарувчилари 2-синфдаги Т-хелперлардир. IL-4 булутсимон хужайралар ва В-хужайра йўналиши хужайралари томонидан синтезланади. IL-4 макрофагларнинг функцияларини ва уларнинг IL-1, TNF ва IL-6 секрецияларини пасайтиради, яллиғланишга қарши таъсир кўрсатади. Шундай қилиб, IL-4 Th2 хужайраларнинг асосий маҳсулоти бўлиб, уларнинг дифференциясини рағбатлантиради. Бу В- ва Т-лимфоцитларнинг дифференциациясини келтириб чиқаради, Th1 хужайралари томонидан ишлаб

чиқарилган цитокинларнинг функционал антагонисти бўлган гематопозетик хужайралар, макрофаглар, табиий киллерлар, базофилларнинг ривожланишига таъсир қилади. IL-4 аллергик реакцияларнинг ривожланишида ёрдам беради, аниқ яллиғланишга қарши таъсирга эга.

Биз кучли ифодаланган СВГВ фонида ривожланган ЎЎО билан оғриган бемор болаларда яллиғланиш олди ва яллиғланишга қарши цитокинларнинг турини ўргандик. Олинган натижаларнинг таҳлили қиёсий гуруҳи ва асосий гуруҳ болаларидаги қийматлар ўртасидаги ҳаққоний фарқларни аниқлади. Масалан, соғлом болаларда ИФН-γ даражаси $23,70 \pm 5,38$ пг/мл ни ташкил этди, бунда асосий гуруҳ болаларида ушбу кўрсаткич $82,80 \pm 25,07$ пг/мл ни ташкил этган. Шундай қилиб, асосий гуруҳдаги болаларда ИФН-γ даражаси 3,5 баравар ошган, бу эса яллиғланиш жараёнининг кучлилигидан далолат берган.

Қиёсий гуруҳи болаларида ИФН-γ даражасини ўрганганда у $10,95 \pm 3,65$ пг/мл ни ташкил этди, асосий гуруҳ болаларида эса у $86,08 \pm 25,72$ пг/мл ни ташкил этди. Бунда яллиғланишга қарши цитокин IL-4 нинг даражаси 7,9 баравар ошган эди.

Цитокин профили ҳолатидаги қиёсий таҳлил шуни кўрсатдики, ИФН-γ /IL-4 (яллиғланиш олди/яллиғланишга қарши цитокинлар ёки T_h1/T_h2) нисбати соғлом болалар гуруҳида 2,2 қийматни ташкил этган. Асосий гуруҳдаги каби кучли яллиғланиш жараёни мавжуд бўлганда ушбу кўрсаткич 0,96 га тенг бўлган. Афтидан, биз асосий регулятор цитокинлар ҳолатидаги кучли ифодаланган дисбалансни кузатдик, у СВГВ фонида ривожланган ЎЎО билан оғриган бемор болалардаги СВГВ фонида ривожланган ЎЎО билан оғриган бемор болаларда ўткир яллиғланиш ҳолатларининг асосий регуляторлари бўлган яллиғланишга қарши цитокинларнинг кескин ортиши ва яллиғланиш олди цитокинларнинг камайишида ифодаланган.

Шундай қилиб, СВГВ фонида ривожланган ЎЎО билан оғриган бемор болалардаги асосий касалликнинг кечиш оғирлигига қараб клиник белгиларнинг ривожланиб бориши ҳамда касаллик авж олган босқичда бу клиник белгиларнинг кучайиб бориши билан характерланади. Ушбу

патологияда жигар ва талокнинг катталашуви яққол намоён бўлди. СВГВ фонида ривожланган ЎЎО билан оғриган бемор болалардаги касалликнинг клиник кечиш даражаси ва касалликнинг клиник кўринишларида организмдаги иммун тизимининг ҳужайравий, гуморал тизими кўрсаткичларининг камайиши ва ўткир яллиғланиш ҳолатларининг асосий регуляторлари бўлган яллиғланишга қарши цитокинларнинг кескин ортиши ва яллиғланиш олди цитокинларнинг камайиши билан ифодаланган.

